

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

БОБОНАЗАРОВА ЗУҲРА ЭРКИНОВИНИНГ

**“Ўрта Осиё халқлари тарихини  
ўрганишда Юнон манбаларининг  
ўрни”**

мавзусидаги бакалавр даражасини олиш учун ёзилган битирув малакавий  
иши

Илмий раҳбар: тарих фанлари доктори,  
Ш.Б. Шайдуллаев

ТЕРМИЗ-2013

**МУНДАРИЖА  
КИРИШ**

**I-БОБ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҚАДИМИЙ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЮНОН ТАРИХЧИЛАРИНИНГ АСАРЛАРИ МУҲИМ МАНБА**

- 1.1. Геродот маълумотлари.
- 1.2. Ариан, Курций Руф ҳикоялари.
- 1.3. Страбон, «География». XI китоб, XI боб, 3: Сиёсий воқеалар.  
Искандар ва Спитаман.
- 1.4. Юнон тарихчилари асарларида тарихий география масаласи.

**II- БОБ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЮНОН МАНБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

- 2.1. Қадимги Бақтрия тарихини ўрганишда Юнон манбаларининг аҳамияти.
- 2.2. Қадимги хоразм тарихини ўрганишда Юнон манбаларининг ўрни.
- 2.3. Қадимги Сўғд тарихининг ўрганишда Юнон манбаларининг ўрни.
- 2.4. Ўрта Осиё кўчманчилари тарихининг Юнон манбаларида ёритилиши.

**ХУЛОСА.**

**АДАБИЁТЛАР.**

## **КИРИШ**

**Мавзунинг долзарбилиги.** Марказий осиёнинг енг қадимги халқлари ўз тарихни ёзма равишда баён қилмаганлар. Худудимизга тегишли илк ёзма манбалар –“Авесто, Ахомонийлар даври миххатсимон ёзувлари, ва Қадимги дунё (Юнон –Рим ) даврига таолуқли манбалар ёртимиздан ташқарида тузулгандир. Улар Қадимги шарқ ва дунё тарихида биринчи бўлиб, ўлкамиздагт ҳалқларнинг номларини, аоҳида жойлар, тоғлар, дарёлар, ва кўлларнинг номларини, афсонавий қаҳрамонлар ва подшолар номларини, юртими ҳалқларинг турмиши, дини, маданияти, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий тузуми тўғрисидаги малумотларни ўз ичига олади. бу манбалар кам ва тўлик бўлмаганлиги учун қадимги қадиги иқтисодий, иҷтимоий ва сиёсий жарёнларни ўрганишда ёзма ва археологиг манбаларни бир-бирига солиштириш зарурияти келиб чиқади. Маълумки, Аҳамонийлар подшолари Марказий Осиёда биринчи бўлиб Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва сакларни буйсундиришни режалаштирганлар. Геродот хабарларига кўра, ҳарбий юришларига «Бобил, Бақтрия халқи, мисрликлар тўсиқ бўлиб турганлар» (Геродот, 13). Геродот маълумотларида берилган «Бақтрия халқи» шунчаси маълум бир этник бирликни бирлаштирган «ҳалқ» маъносини берувчи «этнос» тушунчасида келган. Албатта, Ўзбекистоннинг қадим тарихини кўчманчи Сак, Массагет қабилаларисиз тасаввур қилиш қийин. Улар қадим цивилизация ўчоқдари - Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Фарғона, Тошкент воҳалари билан қўшни халқпар сифатида яшаб келишган. Кўчманчи ва ўтроқ ахоли доимо маданий, иқтисодий ва этник алоқада бўлишган. Кўчманчи халқлар ўртасида иҷтимоий табақаланишув ва давлатчилик тизимининг шаклланиши тўғрисида фанда ҳар хил ғоялар мавжуд. Бир гурӯҳ тарихчилар "кўчманчилар ўз ҳолича фақат биринчи босқич илк синфий муносабатлар даражасигача ривожланиши мумкин. Марказий осиёнинг енг қадимги халқлари ўз тарихни ёзма равишда баён қилмаганлар. Худудимизга

тегишли илк ёзма манбалар –“Авесто, Ахомонийлар даври миххатсимон ёзувлари, ва Қадимги дунё (Юнон –Рим ) даврига таолуқли манбалар ёртимииздан ташқарида тузулгандир. Улар Қадимги шарқ ва дунё тарихида биринчи бўлиб, ўлкамиздагт ҳалқларнинг номларини, аоҳида жойлар, тоғлар, дарёлар, ва кўлларнинг номларини, афсонавий қаҳрамонлар ва подшолар номларини, юртими ҳалқларинг турмиши, дини, маданияти, ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий тузуми тўғрисидаги малумотларни ўз ичига олади. бу манбалар кам ва тўлиқ бўлмаганлиги учун қадимги қадиги иқтисодий, иҷтимоий ва сиёсий жарёнларни ўрганишда ёзма ва археологиг манбаларни бир-бирига солиштириш зарурияти келиб чиқади.

Мавзунинг аҳамияти:

Дастлабки ёзма манбалардан фоидаланишда жуда еҳтиёт бўлмоқ керак. Баъзи бир маълумотлар афсоналарга асосланган ва уларни хақиқий тарихдан ажратиб олиш лозим. Бошқа манбаларнинг муалифлари (масалан, енг қадимги юон тарихшунослари) хич қачон Марказай Осиёда булмаганлар ва ўз хикояларини суриштириб билганлари асосида ёзганлар. Шунга қарамасдан, бу маълумотлар мухум аҳамиятга егадир. Мавзунинг долзаблиги шундан еборатки . Марказий осиё ҳалқлари тарихини ўрганишда қадимги юон ва рим тарихчилари асарларини қиёсий жихатдан ўрганиб Марказий Осиё ҳалқлари тарихини ёритишидир. Бунда бизга асаосий манбалар сифатида: Герадод маълумотлари, Ариан, Квин Курсий Руф ҳикоялари ҳикоялари , Страбон “География”си бундан ташқари “Бехистун” қоя тош расимлари ва Ўрта Осиё хақидаги енг қадимги манба булган Ависто асарларидан хулоса чиқарайлик. Бу борада Марказий Осиё ҳалқлари хақида жулда аниқ маълумотлар берувчи Герододнинг “Тарих” китоби қисимлари айниқса қимматлидур. Қадимги даврдан бошлаб бу китоб дунёда енг машхур тарихий асарлардаги бири бўлиб хисобланади. Унинг муаллифи Геридот “тарихнинг отаси” деб ном олган. Герадоднинг Ўрта Осиё, Бобил Ерон ва “дунё чегараларида”

жойлашган халқлар вадвалатлар тарихи хам анча қизиқтирган. Қадимги юнонларнинг фикрига кўра, Марказий Осиёва Ҳиндистон ўлкалари инсон яшаган дунёнинг шарқий чегаралари бўлган. Герадот Марказий Осиёда хеч қачон бщлмаган ва бу худуд хақида ўз ешитган хикоялари, сурошириб билганлари хақида ёзган.

**Мавзунинг аҳамияти.** Милоддан аввалги 329-йилда Македониялик Искандарнинг Бақтирия ва Суғдиёна худудларга харбий юришлари бошланган. Буюришлар Марказий Осиё тарихида енг яхши ўрганилган мавзулардан бири бўлиб хисобланади. Искандарнинг аскар-жангчилар билин биргаликда булажак тарихчилар Птоламей, Аристобул, Ониксикрит, Калисфен ва Харисслар хизмат қилиб турли хил сиёсий ва маъданий воқеаларни ёзиб борганлар. Уларнинг маълумотлари бизгача етиб келмаган, лекин дастлабки манбалардан юон тарихчилари ва географлари фойдаланишганлар. Масалан, Диодор (мил авв 90-21 йй.) “Тарихий кутубхона”, Стробон (мил авв 64-милодий 24-йиллар) ”География”, Клавдий Птоламейлар (мил II-аср) ҳикояларини, Плинний (Iаср) ”Таббий тарих” номли китобини яратдилар. Аммо Искандар юришлари хақида кенг ва тўлиқ маълумотлар римлик Квин Курсий Руф ва юонистонлик Ариан асарларида сақланган. Иккинчи босқич ривожи эса фақат қўшни дехқон ва шаҳар жамоаси таъсирига боғлиқ бўлган” - деган фикрни илгари суришади. Бошқа бир гурух тарихчилар эса ”Кўчманчилар ўз ҳолича, яъни цивилизацияга эришган қўшни халқларнинг таъсир доирасидан ташқарида ривожланганда эди, улар хатто биринчи босқичга - илк синфий муносабатлар даражасига ҳам чиқа олмаган бўлар эди,- деб хисоблайди. Ушбу нотўғри фикрлар кўчманчи халқларнинг яшаш тарзини, улар яратган моддий маданият тарихини яхши билмаслик натижасида пайдо бўлган. Ишлаб чиқаришнинг асоси дехқончилик жамоаларда ер, шаҳар хўжалигига ҳунармандчилик ва савдо ташкил қилган бўлса, чорвадор-кўчманчи

халкларда чорва хисобланади. Маълумки, чорва шахсий мулк хисобланади. Яйловлар, жамоа тараққиётининг илк босқичларида умумий бўлган. Лекин, хусусий мулкчиликнинг ривожланиши натижасида яйловлар ҳам асосий восита сифатида бўлиб олинди. Сув ҳавзалари, яйловлар молларни боқиш ва кўпайтиришнинг асосий омилларидан бирига айланди. Натижада яйловлар, чорва моллари ва сув ҳавзаларини қўриқдаш учун қуролланган жангчиларга эҳтиёж туғилди. Геродотнинг хабар беришича «Массагетлар от устида қилич ўйнатишни, ерда жанг қилишни маромига етказадилар. Камонбозлиқда уларга тенг келадиган халқ йўқ, қиличбозлиқда устаси фаранг. Бутун ашёлари олтин ва мисдан ясалган. Жанг қуроллари мисдан, бош кийимлари, тасмалари ва кийимлари олтиндан ясалган ёки олтин билан безатилган. Отларини ҳам қалқон билан ҳимоя қиласидилар, қалқонлари мисдан ясалган ва жабдуғлари олтин билан безатилган. Уларнинг юртида темир ва кумуш учрамаслиги сабабли, Массагетлар темир ва кумушни ишлатишмайди, олтин билан мисга жуда бой. Одамлари оддий» (Геродот, 1972). Ариян эса «Массагетлар камбагал ва ҳакпарвар кишилар, ягона ютуғи камон ва ўқ, овқати гўшт ва сут, кийимлари теридан, ҳукмдорлари ҳам, оддий кишилари ҳам баравар, меҳмондўст, тинчликпарвар ва озоддир», - деб ёзади. Ёзма манбаларда Ўрта Осиё кўчманчилари тарихига оид айрим чалкашликлар бор. Жумладан, Кир билан жанг қилиб ғолиб чиқсан кўчманчи қабиланинг номи Геродот ва Страбон асарларида «массагетлар» деб аталган бўлса, сицилиалик Диодор, Юстин ва Ариян у скифлар билан бўлган жангда мағлуб бўлганлигини, Ктесей эса Дербиклар билан бўлган жангда уни ҳалок бўлганлиги ҳақида ёзадилар. Ўқувчимизни манбалардаги бу чалкашликлар ажаблантирмаслиги лозим, чунки Ўрта Осиё кўчманчиларининг номини Юонон тарихчилари доимо адаштириб келтанлар. «Сак» ёки «Скиф» атамалари умум кўчманчиларнинг номлари бўлиб, ўша вактда Эронликлар уларни «Сак»лар деб аташган бўлсалар, Европаликлар умумлаштириб «Скиф»лар дер эдилар (Помпей Трог). Сўнгги юонон муаллифлари асарларида биз кўриб чиқаётган ўлка тўғрисидаги

тариҳий ва этнографик маълумотлар Геродот ёки Ктесийларнинг маълумотларига нисбатан анча тўлароқ ва кенгрокдир. Бу манбалар Ўзбекистоннинг тариҳий географияси долзарб муаммоларини ҳал қилишда асос бўлади. Манбалар ҳозирги тариҳий адабиётда керакли даражада ёритилган. Ёзма манбаларни археологик маълумотлар билан солиштириб замонавий географик хариталарда ҳалқларнинг худудий жойлашув чегараларини, қадимги шаҳарларни, дарёлардан кечиб ўтиш жойларини, қадимги йўлларни, вилоятларни ва тариҳий районларни топиш мумкин. Бу муаммо жуда ҳам кизиқарлидир. Юнон-рим тариҳий ва географик адабиётларида Марказий Осиё ҳалқларининг худудий жойлашуви ва вилоятларнинг чегаралари аниқ кўрсатилмаган. Искандар даврида Яксарт — Сирдарё бу Танаис —Дон дарёсининг бошланиши деб фараз қилинган, худди шундай Нил — бу Ҳинд дарёсининг қуи оқими деб хулоса чиқарилган. Ёзма манбаларда Бақтриянинг жанубий чегаралари Парнас, Паропамис —Ҳиндиқуш тоглари билан боғланиб Қадимги дунё муаллифлари бақтрийлар жойлашган ерни жуда тор қилиб кўрсатганлар. Баъзиларининг Ҳинд дарёси бошланган Паропамис тоғларига рўпара бўлиб турган (Плиний). Страбон ҳам Эратосфеннинг маълумотларига асосланиб, «бақтрийларнинг асосий қисми Паропамис ёнбағрида жойлашиб, унинг бир кичик ери Ҳинди斯顿га рўпара бўлган»,— деган.бу малумотларнинг барчаси марказий осиё ҳалқлари хақидаги малумотларнинг қиёсий жихатдан таққосланиши кераклиги барча малумотларнинг солиштириб умумий хлоса чиқариш кераклигидир мавзунинг ахамятли томони ҳам шундан иборатdir.

**Мавзунинг хронологик даври:** Милоддан аввалги 455-445 йиллар давомида юнон тарихчиси Герадот ўзининг “Тарих” асарини ёзган. Милоддан аввалги 484-йилда Кичик Осиёдаги Галикарнас шахрида Герадот туғилган.

Милоддан аввалги 431-425йиллар оралиғида Герадот вофот етган. Милоддан аввалги 455-445 йиллар оралиғида Герадот “тарих” китобини ёзган.

Милоддан аввалги 329-йилларда Македониялик Искандарнинг Бақтирия ва Суғдиёна ерларига харбий юриши. Милоддан аввалги 328-йил Александирга карши Спитамен бошчилигидаги қўзғалон.

Милоддан аввалги 90-21 йиллар юон тарихчиси Диодор яшаган йиллар.

Милоддан аввалги 64-миодий 24 йилларда Страбон яшаган йиллар . Милоддан аввалги I асирнинг охири милодий I асрнинг ўрталари Рим тарихчиси Квин Курси Руф яшаган йиллар.

Милодий 90/95-175 йиллар юон тарихчиси Страбон яшаган йиллар.

Милоддан аввалги 329-йилда Искандар 15 кун давомида музқорли “Хиндиқуш” тоғидан ўтиб Бақтириянинг маркази Бақт, Аорн ва Драпсак шахарларини жангсиз истило қиласди.

Милоддан аввалги 328-йилда Искандар Ҳисор тизимида жойлашган ва Оксиарт егаллаб турган “Суғд қаласи”ни қўлга киритади.

Милоддан аввалги 327-йилда Искандар Бақтирия, Суғдиёна ва Устиришонанинг бир қисмини истило қилиб, Ҳиндистонга хужум бошлади.

# **I - БОБ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҚАДИМИЙ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЮНОН ТАРИХЧИЛАРИ АСАРЛАРИ МУҲИМ МАНБА**


## **1.1. Геродот маълумотлари.**

Марказий Осиёning энг қадимги халқлари ўз тарихини ёзма радиша ёритмаганлар. Худудимизга тегишли илк ёзма манбалар— «Авесто», аҳамонийлар даври михсимон ёзувлари ва қадимги дунё (юнон-Рим) даврига тааллуқли манбалар юртимиздан ташқарида тузилгандир. Улар Қадимги Шарқ ва дунё тарихида биринчи бўлиб, ўлкамиздаги халқларнинг номларини, алоҳида жойлар, тоғлар, дарёлар ва қўлларнинг номларини, афсонавий қаҳрамонлар ва подшоларнинг номларини, юртимиз халқларининг турмуши, дини, маданияти, ижтимоий-иҳтисодий ва сиёсий тузуми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Бу манбалар кам ва тўлиқ бўлмаганлиги учун қадимги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жараёнларни ўрганишда ёзма ва археологик манбаларни бир-бирига солиштириш зарурияти келиб чиқади. Археологик маълумотлар ёзма манбаларни кенгайтириб, тарихий тараққиётнинг аниқ йўналишларини кўрсатади.

Дастлабки ёзма манбалардан фойдаланишда жуда эҳтиёт бўлмоқ керак. Баъзи бир маълумотлар афсоналарга асосланган ва уларни ҳақиқий тарихдан ажратиб олиш лозим. Бошқа манбаларнинг муаллифлари (масалан, энг қадимги юнон тарихшунослари) хеч қачон Марказий Осиёда бўлмаганлар ва ўз ҳикояларини суриштириб билганлари асосида ёзганлар. Шунга қарамасдан, бу маълумотлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Бехистун ёзувларида Доро I биринчи бўлиб Аҳамонийлар давлатининг ғарбий вилоятларини кўрсатиб берган бўлса, Нахши Рустам ёзувларида мамлакатлар рўйхати Мидия ва Эламдан сўнг шарқий



The clash between Persia and Greece was recorded by Greek historian Herodotus.

dants (relatives who trace their roots back to one person) of those steppe dwellers called the Medes and Persians settled in southwest Iran. They settled on a plateau (a high, flat area of land) near the Zagros Mountains and the Persian Gulf. This region is in an area known as the Near East—part of southwest Asia bordering the Mediterranean, Black, and Caspian Seas, and the Persian Gulf.

вилоятлардан бошланади: «Мен — Доро, улуғ подшо, шаханшоҳ кўп қабилали мамлакатларнинг подшоси, Виштасп ўғли, Аҳамоний, форс, форснинг ўғли, арийлар уруғидан келиб чиққан арий. Шоҳ Доро айтурки: «Форс вилоятидан ташқари қуидаги мамлакатларни мен бўйсундирганман, менга хирож тўловчи бўлган, менинг сўзимни ижро этган, менинг қонунимга асосланиб ривожланаётган: Мидия, Элам, Парфия, Аръё, Бақтрия, Суғдиёна Хоразм... Сака Хаумаварка, Сака Тиграхауда... дengиздан нариги ердаги саклар».

1972 йилда Суза шаҳрида топилган Доро I ҳайкали ёзувларида Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразмдан ташқари «балчик ва тупроқ ўлкаси саклари» тилга олинган. Суза шаҳрида топилган яна бошқа ёзувларда Доро I бундай эълон қиласи: «Сузадаги саройни мен бино қилганимда унинг безаклари узоқ юртлардан олиб келинган. Ёғочи-Гандхарадан, олтин — Бақтриядан, ялтироқ тошлар ва ложувард — Сўғдиёнадан, фируза — Хоразмдан, кумуш ва бронза — Арахозиядан, тош устунлари — Эламдан етказиб берилган».

Эрондаги қадимги Персепол шаҳридан бақтрияликлар, хоразмликлар, суғдлар ва сакларнинг ўйиб ишланган расмлари топилган (Доро I ва Ксеркс подшолар сарой деворларида бўртма расмларда турли халқларнинг хирож келтириш манзараси тасвирланган). Персепол саройидаги расмлар Марказий Осиё халқларининг энг қадимги тасвиридир.

Турли халқлар қаторида суғдийлар 8-гурухда кўрсатилган. Улар етти кишидан иборат бўлиб, шоҳга идишлар, газмол, номаълум ҳайвон териси ва икки қўйни етаклаб келаётгани тасвирланган. Ўн биринчи гурухда узун чўққи қалпоқли саклар кўрсатилган. Улар кийим-кечакларни кўтариб ва отни етаклаб бормоқдалар. Ўн бешинчи гурухда бақтрияликларнинг бешта вакили идишларни ва туяни олиб бораётганлиги тасвирланган. Ўн еттинчи гурухда хоразмликлар бўлиб,

уларнинг ханжар, харбий болта, билагузук ва отни олиб келаётгани кўрсатилган.

Бу расмларда Суғдиёна, Бақтрия, Хоразм ва саклар вилоятидан бўлган солиқ тўловчиларининг аҳамонийларга турли хил буюмлар, Қадимги Шарқда машҳур бўлган отлар ва туяларни олиб келаётгани тасвирланган. Ундан ташқари, Суза ёзувларига кўра, Осиё вилоятларидан Эронга олтин, ложувард, фируза ва қимматбахо тошлар олиб келинган.

Аҳамонийлар даври ёзувларида юртимиз халқлари тарихига тегишли қуйидаги маълумотлар бор: вилоятлар ва халқларнинг номлари, сиёсий жараёнлар, Бақтрияning бир қисми бўлган Марғиёнада Фрада бошчилигига қўзголонни тор-мор қилиш («Мана нималарни мен Бақтрияда қилдим» - Доро I нинг хулосаси шундай эди), саклар юртига қарши юришлар, иқтисодий тузум ва моддий маданият тўғрисида маълумотлар.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг қадимги форс ёзувларига бағишлиланган асарлари мавжуд (И. Маркварт, Э. Херцфельд, Р. Кент, А. А. Фрейман, А. В. Струве, В. И. Абаев, М. А. Дандамаев ва бошқалар). Қадимги юонон тарихшунослари Юонон-форс урушлари бошланиши билан милоддан аввалги VI—IV асрлар сиёсий воқеаларида иштирок этган. Марказий Осиё халқларининг тарихи қадимги юонон тарихшуносларининг асарларида ёритилган.

Бу борада Марказий Осиё халқлари тўғрисида жуда аниқ маълумотлар берувчи Геродотнинг «Тарих» китоби қисмлари айниқса қимматлидир. Қадимги даврлардан бошлаб бу китоб дунёда энг машҳур тарихий асарлардан бири бўлиб ҳисобланган. Унинг муаллифи Геродот «тарихнинг отаси» деб ном олган. Геродот милоддан аввалги 484 йилда Кичик Осиёдаги Галикарнасс шаҳрида туғилган (милоддан аввалги 431—425 йиллар ўртасида вафот этган). У 10 йил давомида (милоддан аввалги 455—445 йиллар) Ливия, Миср, Оссурия, Бобил, Экбатонга саёхат қилиб,

Қадимги Шарқ тарихи ҳақида кўпдан-кўп маълумотлар тўплаган. Миср фиръавнларининг мақбаралари, Бобил мудофаа деворлари ва муқаддас миноралари, Қора Денгиз шимолий соҳилидаги скиф мозорқўрғонлари Геродотни завқлантириб, унинг Қадимги Шарқ тарихи ва маданиятига маълум бўлган қизиқишиларининг ғоят кучайишига асос солган. Геродотнинг Олд Осиё, Бобил, Эрон, ва «дунё чегараларида» жойлашган халқлар ва давлатлар тарихи ҳам анча қизиқтирган. Қадимги юнонларнинг фикрларига кўра, Марказий Осиё ва Хиндистон ўлкалари инсон яшаган дунёning шарқий чегаралари бўлган. Геродот Марказий Осиёда ҳеч қачон бўлмаган ва бу худуд ҳақида ўз эшитган ҳикоялари, суруштириб билганлари асосида ёзган.

Геродот «Тарих» китобинн милоддан аввалги 455-445 йиллар давомида ёзган. Бу муҳим асарида у Бақтрия, Бақтра, бақтрияликларни 13 марта, сұғдарни 2 марта, хоразмликларни 3 марта, сакларни 11 марта, массагетларни 19 марта тилга олиб, уларнинг моддий маданияти, урф-одатлари, дини ва тарихи ҳақида ҳикоя қилган.

Геродотнинг Марказий Осиё тўғрисидаги асосий фикрлари форсларнинг сак-массагетларга қарши юришлари, Кир II ва Тўмарис ўртасидаги сиёсий муносабатлар, аҳамонийлар ҳарбий қўшинлари сафида юртимиз халқлари жангчиларининг иштироки, уларнинг яроғ-аслаҳалари, йўлбошчилари, форс-юнон урушларида уларнинг кўрсатган жасорати, халқларнинг аҳамонийлар давлатига бўйсуниши ва маҳсус хирож тўлаши, сак-массагетларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи ва диний эътиқоди, Марказий Осиёдаги Акес дарёсининг сувларидан фойдаланиши ҳақида ва бошқа айрим маълумотлардан иборат.

Геродот Марказий Осиёда халқлар жойлашувидағи нафақат аниқ балки умумий чегаралардан ҳам беҳабар бўлган. Тарихчи массагетларнинг жойлашуви ҳақида бундай ёзади: «шарқда, қуёш чиқиши йўналишида, Аракс дарёсининг нариги ёнда жойлашганлар... Аракс дарёси Матиёна

тоғларидан бошлаб оқади». Аракс—бу Амударё. Матиёна тоғлари, Геродотнинг тушунишича, Помир ёки Ҳиндиқуш тизмаларидир, чунки тарихчининг айтишича, Матиёна тоғларida Ҳинд дарёси ҳам бошланади. Маълумки, Аҳамонийлар подшолари Марказий Осиёда биринчи бўлиб Парфия, Марғиёна, Бақтрия ва сакларни буйсундиришни режалаштирганлар. Геродот хабарларига кўра, ҳарбий юришларига «Бобил, Бақтрия халқи, мисрликлар тўсиқ бўлиб турганлар» (Геродот, 13). Геродот маълумотларида берилган «Бақтрия халқи» шунчаси маълум бир этник бирликни бирлаштирган «халқ» маъносини берувчи «этнос» тушунчасида келган.

Геродотнинг айтишича, Доро I аҳамонийлар давлатинп 20 та ўлкага бўлган. Тарихчи Марказий Осиё халқлари хақида бундай ҳабар қиласди: «Бақтрияликлардан эгейларгача бўлган халқлар 300 талант солиқ тўлаганлар. Бу ўн иккинчи ўлка» Тарих. III китоб, 92.

III, 93. «Саклар ва каспийлар 200 талант тўлаганлар. Ўн бешинчи ўлка. Парфияликлар, хоразмликлар, Суғдлар ва арийлар 300 талант тўлаганлар. Бу — ўн олтинчи ўлка» (Бир талант 33,6 кг. кумушдир).

Геродот мунтазам равишда аҳамонийлар ҳарбий қўшинларидағи юртимиз халқларининг жангчи вакиллари хақида ёритади: Тарих VII, 64.\_ «Бақтрияликларнинг уст-боши мидияликларнинг уст-бошига ўхшаган, улар ўқ-ёй ва калта найзалар билан қуролланганлар. Саклар (скиф қабиласи) узун чўқили қалпоқлар кийиб, камон ва ханжарлар билан қуролланганлар, яна уларда икки қиррали ҳарбий болталар - сагарислар бўлган. Ушбу қабила (айнан скиф қабиласи) амиргий саклар деб номланган. Форслар скифларнинг ҳаммасини саклар деб атаганлар. Бақтрияликлар ва сакларнинг сардори Гистасп—Доро ва Кирнинг қизи Атоссанинг ўғли бўлган».

VII, 66. «Парфияликлар, хоразмликлар, Суғдлар, Гандарийлар ва дадиклар бақтрияликларнинг қуролларига ўхшаган яроқ-аслаҳалари билан

харбий юрнинги бошлагаилар. Уларнинг йўлбошлилари: парфияликлар ва хоразмликларни—Фарнак ўғли Артабоз; сүғдларники— Артей угли Азан бўлган». «Бактрия чавандозларининг қуроллари пиёда аскарлари қуролларига ўхшаган».

Геродот ҳикояларининг асосий қисми массагетларга бағишиланган:  
Тарих I, 201. «Шу халқларга эга бўлгандан сўнг, Кир массагетларни истило қилиш мақсадини ўз олдига қўйган.

Албатта, Ўзбекистоннинг қадим тарихини кўчманчи Сак, Массагет қабилаларисиз тасаввур қилиш қийин. Улар қадим цивилизация ўчоқлари - Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Фаргона, Тошкент воҳалари билан қўшни халқлар сифатида яшаб келишган. Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли доимо маданий, иқтисодий ва этник алоқада бўлишган.

Кўчманчи халқлар ўртасида ижтимоий табақаланишув ва давлатчилик тизимининг шаклланиши тўғрисида фанда ҳар хил ғоялар мавжуд. Бир гуруҳ тарихчилар "кўчманчилар ўз ҳолича фақат биринчи босқич илк синфий муносабатлар даражасигача ривожланиши мумкин. Иккинчи босқич ривожи эса фақат қўшни дехқон ва шаҳар жамоаси таъсирига боғлиқ бўлган" - деган фикрни илгари суришади. Бошқа бир гуруҳ тарихчилар эса "Кўчманчилар ўз ҳолича, яъни цивилизацияга эришган қўшни халқларнинг таъсир доирасидан ташқарида ривожланганда эди, улар хатто биринчи босқичга - илк синфий муносабатлар даражасига ҳам чиқа олмаган бўлар эди,- деб ҳисоблади.

Ушбу нотўғри фикрлар кўчманчи халқларнинг яшаш тарзини, улар яратган моддий маданият тарихини яхши билмаслик натижасида пайдо бўлган. Ишлаб чиқаришнинг асоси дехқончилик жамоаларда ер, шаҳар хўжалигида ҳунармандчилик ва савдо ташкил қилган бўлса, чорвадор-кўчманчи халқларда чорва ҳисобланади. Маълумки, чорва шахсий мулк ҳисобланади. Яйловлар, жамоа тараққиётининг илк босқичларида умумий бўлган. Лекин, хусусий мулкчиликнинг ривожланиши натижасида

яйловлар ҳам асосий восита сифатида бўлиб олинди. Сув ҳавзалари, яйловлар молларни боқиш ва кўпайтиришнинг асосий омилларидан бирига айланди. Натижада яйловлар, чорва моллари ва сув ҳавзаларини қўриқлаш учун қуролланган жангчиларга эҳтиёж туғилди.

Кўчманчи қабила ва элатлар кенг ҳудудлар, яйловларнинг эгаси бўлиб, айни пайтда ўша ҳудудда жойлашган барча табиий бойликларнинг ҳам эгаси ҳисобланган.

Кўчманчи жамоаларда кўпроқ иккита ижтимоий қатлам кузатилади. Катта чорвага эга бўлган ҳукмдорлар ва уларга хизматда бўлган камбагаллар. Марказий Осиё кўчманчиларининг яшаш тарзи, оиласи муносабатлари ва ижтимоий табақаланиши масалаларини «Авесто», Геродот ва антик давр тарихчилари асарларидан билиб олишимиз мумкин.

Ўрта Осиё кўчманчи қабилалари тўғрисидаги энг қадимги ёзма манба «Авесто»да «учқур отли турлар» сифатида эсланади. «Авесто»нинг Яшт қисмида кўчманчи тур қабиласининг шохи Франграсъян (Афросиёб - Алп Эр Тўнга) бутун орийлар мамлакатининг йўлбошчиси сифатида тилга олинади. «Авесто» маълумотларига қараганда Кави Усаннинг ўғли Съяваршан Франграсъян юртига, яъни «Турлар мамлакатига қочади» ва «баланд илоҳий Кангхе» устида Хшатросаука қўрғонига асос солади. Франграсъяннинг бутун Орийлар устидан ҳукмронлик қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўрта Осиё кўчманчиларида ахамонийлар давригача бўлган даврларда давлатчилик тизими бўлганлигини исботлайди.

Антик давр Юнонистон тарихчилари Ўрта Осиё кўчманчиларининг жойлашишини қуидагича ўз асарларида ёритишган: Ўрта Осиёнинг ҳарбida, чўл ва даштларда «массагет» (дербик) қабилалари ..., шарқида, то? ва чўл қисмларида «Сак» қабилалари..., Танаис (Сирдарё) дарёси бўйларида ва унинг ортида «Даи»лар истиқомат қилишган.

Геродотнинг хабар беришича «Массагетлар от устида қилич ўйнатишни, ерда жанг қилишни маромига етказадилар. Камонбозликда уларга тенг келадиган халқ йўқ, қиличбозликда устаси фаранг. Бутун ашёлари олтин ва мисдан ясалган. Жанг қуроллари мисдан, бош кийимлари, тасмалари ва кийимлари олтиндан ясалган ёки олтин билан безатилган. Отларини ҳам қалқон билан ҳимоя қиласидар, қалқонлари мисдан ясалган ва жабдуғлари олтин билан безатилган. Уларнинг юртида темир ва кумуш учрамаслиги сабабли, Массагетлар темир ва кумушни ишлатишмайди, олтин билан мисга жуда бой. Одамлари оддий» (Геродот, 1972). Ариян эса «Массагетлар камбагал ва ҳақпарвар кишилар, ягона ютуғи камон ва ўқ, овқати гўшт ва сут, кийимлари теридан, хукмдорлари ҳам, оддий кишилари ҳам баравар, меҳмондўст, тинчликпарвар ва озоддир», - деб ёзди (Ариян, 1962).

Массагетларнинг яшаш тарзи тўғрисида юнонистонлик тарихчилар куйидаги маълумотларни қолдиришган: «Улар Скифлар сингари кўчманчи хаёт кечирадилар. Массагетларнинг шаҳарлари, ҳаттоқи доимий яшайдиган уйлари ҳам йўқ. Тўрт ғилдиракли аравани уй сифатида биладилар. Чорвачилик асосий машғулотлари ҳисобланади» (Пьянков, 1998).

Сак қабилалари тўғрисида ҳам шунча ўхшаш маълумотлар бор. «қишлоқ ва шаҳарлари йўқ. Аравада яшашади, фақат чорвачилик билан шуғулланади». Ктесей эса Сакларнинг дехқончилик билан шуғулланиши ва оз бўлсада шаҳарлари борлиги хусусида ёзган.

Кўчманчилар конфедерациясини қабила бошликлари - хукмдор, шоҳлар бошқарган. Бунга мисол қилиб Массагетларда Тўмарисни, Сакларда Зарина, шоҳ Омарг, шоҳ Спаретраларни кўрсатиш мумкин. Шоҳ ўз халқининг йўлбошчиси, хукмдори ҳисобланган. Уруш вақтида жангга раҳбарлик қиласидар.

Ўрта Осиё кўчманчилари сиёсий ҳаётида халғ йигини мухим ўрин тутган, чунки халқ йигинида барча қуролли жангчилар қатнашган ва унда энг мухим - уруш ёки сулҳ масалалари ҳал қилинган. Агар йигинда уруш тўғрисида битимга келинса, ҳамма жангга отланган.

Массагетлар қўшини отлик ва пиёда аскарлардан иборат бўлган. Пиёда аскарлар камбағал қуи табақани англатса, тўлиқ қурол-аслаҳага эга бўлган, кийимлари олтин тақинчоқлар билан безатилган, тўлиқ қурол-аслаҳага эга бўлган, отлари ҳам безатилган отлик аскарлар эса юкори табақа вакилларидан иборат бўлган. Юнон тарихчиси Квант Курций Руф маълумотларида кўчманчи халқларда ҳукмдор сўзини билдирувчи "династи" (сулола) термини ҳам учрайди. Сулолавий ҳокимият тузуми ўз ҳарбий қўшинини тузишга, уруш йўли билан ўз ҳудудини кенгайтириш ва бойлигини оширишга имкон берар эди. Шу сабабдан Сак ҳукмдорининг 30.000 бош моли бўлганлиги тўғрисида ёзма манбалар сақланган (Руф, 1963).

Доронинг Жанубий Эрондаги машхур Персополь, Нақши Рустам ва Суз қоя тошларига битилган ёзувларда Ўрта Осиё кўчманчилари - Саклар алоҳида мамлакат сифатида тилга олинади. Саклар Осиёнинг ўша вақтдаги энг илғор Вавилония, Оссурия каби мамлакатлар билан бир қаторда тилга олинади.

Ёзма манбаларда Ўрта Осиё кўчманчилари тарихига оид айрим чалкашликлар бор. Жумладан, Кир билан жанг қилиб ғолиб чиқсан кўчманчи қабиланинг номи Геродот ва Страбон асарларида «массагетлар» деб аталган бўлса, сицилиалик Диодор, Юстин ва Арриан у скифлар билан бўлган жангда мағлуб бўлганлигини, Ктесей эса Дербиклар билан бўлган жангда уни ҳалок бўлганлиги хақида ёзадилар. Ўқувчимизни манбалардаги бу чалкашликлар ажаблантираслиги лозим, чунки Ўрта Осиё кўчманчиларининг номини Юнон тарихчилари доимо адаштириб

келганлар. «Сак» ёки «Скиф» атамалари умум кўчманчиларнинг номлари бўлиб, ўша вактда Эронликлар уларни «Сак»лар деб аташган бўлсалар, Европаликлар умумлаштириб «Скиф»лар дер эдилар (Помпей Трог, 1954; Ксенофонд V. 5-3).

Ёзма манбаларда географик номларни ифодалашда ҳам ҳудди шундай чалкашликларни кўришимиз мумкин. Жумладан, Кир Массагетлар томон ўтиш учун қурдирган кўчма кўприк Геродот асарида Аракс деб номланган бўлса, бошқа тарихчилар асарларида Танаис дарёси деб ёзилган. Чунки Геродот ҳам бошқа Юнонистон тарихчилар ҳам Ўрта Осиёда ҳеч қачон бўлишмаган. Улар ўз асарларида келтирган маълумотларни бошқа манбалардан ёки эшитган ва билганлардан ёзиб олганлар. Шунинг учун бу манбалардан ниҳоятда сергаклик билан фойдаланишни тақоза этади.

## **1.2. Ариан, Курций Руф ҳикоялари.**

Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандарнинг Бақтрия ва Суғдиёна ерларига ҳарбий юришлари бошланган. Бу юришлар Марказий Осиё тарихида энг яхши ўрганилган мавзулардан бири бўлиб ҳисобланади. Искандарнинг қўшинида аскар-жангчилар билан бирга бўлажак тарихчилар Птолемей, Аристобул, Онесикрит, Каллисфен ва Харесслар хизмат қилиб, турли хил сиёсий ва маданий воқеаларни ёзиб борганлар. Уларнинг маълумотлари бизгача етиб келмаган, лекин дастлабки манбалардан юонон тарихчилари ва географлари фойдаланганлар. Жумладан, Диодор (милоддан аввалги 90—21 йиллар) «Тарихий кутубхона», Страбон (милоддан аввалги 64—милодий 24 йиллар) «География», Помпей Трог (милоддан аввалги I—милодий I аср) «Филипп тарихи» асарларини, Плутарх (милодий 46—127 йиллар), Клавдий Птолемейлар (II аср) ўз ҳикояларини, Плиний (I аср) «Табиий тарих» номли китобини яратдилар. Аммо, Искандар юришлари ҳақида кенг ва

түлиқ маълумотлар римлик Квинт Курций Руф ва юнонистонлик Арриан асарларида сақланган.

Арриан (милодий 90/95—175 йиллар) «Искандар анабасиси» деган асарнинг муаллифидир. Анабасис бу «давлат ичкарисига денгиздан узоклашган ҳарб юриши» ёки «Искандар юришлари» деб таржима қилинади.

Курций Руф (милоддан аввалги I асрнинг охири милодий I асрнинг ўрталари) «Македониялик Искандар тарихи» номли китобни яратган. Аммо, Аррианга нисбатан унинг ҳикояларида бадиий тўқималар кўп учрайди. Қўйида Арриан ва Курций Руф асарларидан олинган айrim қизиқарли маълумотларни келтирамиз.

Арриан, III китоб, 27-боб, 9. «Искандарнинг яқинлашиб келаётганлиги ҳақида эшитиб, Бесс Окс дарёсидан кечиб ўтади ва кемаларини ёндириб, Наутака – суғдийлар ерига йўл олади». 10. «Спитамен ва Оксиарт билан бир сутдийлар чавандозлари ҳамда Танаис дайлари унга ергашадилар. Бақтрия чавандозлари Бесснинг қочганидан хабар топиб, ҳар томонга, ўз уйларига йўл оладилар. Искандар Драпсакга этиб келади, қўшинларига дам бериб, уларни Бақтриядаги энг йирик шаҳарлар - Аорн ва Бақтр томонга юргизади. Бу шаҳарларни хужум қилиб забт этади ва Аорн қалъасида Андроколнинг Архелай бошчилигидаги қўрикчи қўшинларни қолдиради. Ҳимоясиз таслим бўлган бошка бақтрийларга ҳукмдор этиб форс Артабоз тайинланади». «Ўзи эса Окс дарёсига қараб йўл олади. Окс Кавказ тоғларидан бошлаб оқади; Ҳинд дарёларидан ташқари Искандар Осиёда кўрган дарёлар ичиди бу йирик дарёдир: умуман энг йирик дарёлар. Окс Гирканиядаги катта бир денгизга қўшилади».

III, 30, 6. «Искандар чавандоз қўшинларини маҳаллий отлар билан таъминлаб Суғдиёна пойтахти Мароқандага йўл олади». 7. «Шу жойдан Танаис дарёсига қараб юради. Танаис ҳам Кавказ тоғларидан бошланади.

Аристобул сўзларига кўра, варварлар уни Орксант дарёси дейдилар; бу дарё ҳам Гиркан денгизига қўшилади».

10. «Шу ерда озиқ-овқатлар ғамлашга чикдан македонлар маҳаллий ахоли томонидан қириб ташланади, кейин уларнинг ўzlари тик ва чиқиб бўлмайдиган қояга қочиб бекинадилар. Улар 30 мингга яқин бўлган».

11. Македонлар қояга чиқиш учун бир неча марта ҳаракат қиласидилар; дастлаб улар варварлар ўклари остида ортга чекинадилар; кўп аскарлар ярадор бўлади; Искандарнинг сонига ўқ тегиб, суюгининг бир қисмини ЭЗИБ қўяди. Шунга қарамасдан тоғ хужум билан олинади. Македонлар варварларнинг бир қисмини жойида қириб ташлайдилар, уларнинг кўплари ўзларини қоялардан ташлаб халок бўладилар, шунинг учун ҳам 30000 дан 8000 киши тирик колади».

IV, 5, 2. «Спитамен ўз жангчилари билан Мароканда қалъасини қўриклиётган македонларга хужум қиласди...» 3. «Искандар Мароқандага ёрдамчи қўшин юборганидан ҳабар топиб, Спитамен къала қамалини тўхтатиб, Суғдиёнадаги басилея — подшо шахрига отланади. Фарнух ва унинг лашкарбошилари Спитамени давлатдан бутунлай чиқариб юборишга ҳаракат қиласидилар ва Суғдиёна чегараларига етиб келиб, кҶчманчи скифларга хужум қиласидилар». 4. «Спитаман яна 600 та скиф отлиқларини ўз қўшинига қушиб олади ва скиф иттифоқдошлигидан кўнгли кўтарилиб, хужум қилаётган македонларга қарши жанг қилишга қарор қиласди. Скиф даштларининг текислигига туриб у душманнинг хужумини ҳам кутмади, душманга хужум ҳам қилмади; фақат унинг чавандозлари пиёда македонларнинг атрофида от қуйиб чопиб юрдилар ва уларга ўқ отдилар». 5. «Фарнухнинг аскарларидан улар осонлик билан қутулдилар, чунки уларнинг отлари чақонроқ бўлиб, ўша пайтда хали чарчамаган эди, Андромах қўшинларидаги отлар эса олис йўлларда чарчаб, емиш камлигидан заифлашганди. Скифлар жанг майдонида турган ва чекинаётган македонларга ғайрат билан хужум қиласидилар». 6. Кўпдан-кўп

македонлар яраланади ва ҳалок бўлади; хуллас аскарлар туртбурчак бир қатор сафланиб, Политимет дарёси томонга чекинадилар; бу ерда ўрмон бўлиб, ўрмондаги чангалзорлар варварларнинг ўқларига тўсиқ бўлади ва пиёда аскарларнинг харакатларига кўпроқ фойда келтиради». 7. «Каран гиппарх (отлик қўшиннинг йўлбошчиси) Андromахга хабар қилмасдан отликларни бекинтириш учун дарёдан кечиб ўта бошлайди; пиёда қўшин хам отликдар ортидан буйруқсиз йўл олади; умуман тартибсиз ва қўрқув холатида бўлган аскарлар дарёга жарлик қирғоқларидан тушадилар». 8. «Македонларнинг хатоларини сезиб қолган отлик варварлар хар иккала қирғоқдан отлари билан дарёга ташланадилар... Уларнинг баъзилари дарёдан кечиб ўтганлар ва узоқлашганларнинг ортидан қувадилар, бошқа бирлари дарёни кечиб ўтаётганларга рўпара бўлиб, уларни ортга, сувга улоқтирадилар ёки ўқ отадилар ёки дарёга келаётганлар ортидан ҳужум қиладилар. Оғир аҳволга учраган македонлар дарё ўртасидаги кичик оролга ташланадилар. Спитаман аскарлари уларни ўраб олиб, ҳаммасини қириб ташлайдилар; бошқа бир кичик қисмини асирикка олиб, ҳаммасини ўлдирадилар».

IV. 6. 1. «Аристобулнинг айтишича, кўпдан-кўп аскарлар чангалзорда яшириниб турган скифларнинг пистирмасига қамалиб ҳалок бўлган, улар ўз панагоҳларидан жанг қизиган пайтида македонларга ҳужум қилганлар... Варварлар ховлиқиши ва тартибсизлик вазиятидан фойдаланиб, уларнинг ҳаммасини қириб ташлаганлар. 40 та отлик ва 300 та пиёдалардан ташқари ҳеч ким қутулиб қолмаган». 3. «Шу мағлубият хақида Искандарга ҳабар етиб келганда у аскарларнинг аччиқ тақдирларидан қайғуга тушади ва Спитаманга қарши шиддатли ҳужум килишга қарор қиласди. У ўзи чавандозлар қўшинининг ярмига, камончиларнинг ҳаммасига, ўқчиларга ва тез юрар пиёда аскарларга йўлбошли бўлиб, Мароқандага йўл олади, унинг билишича, Спитаман шахарга кайтиб қалъани яна қамал қилган». 4. «Уч кун давомида Искандар

1500 стадий масофадан ўтиб, тўртинчи куннинг тонгига шаҳарга етиб келади. Спитаман Искандар шаҳарга яқинлашиб келиши ҳақида эшитиб, уни кутмасдан қочиб кетди. 5. Искандар унинг изидан қувади. Жанг майдонига етиб, у ҳалок бўлган аскарларни дафн қилади ва чекинганлар ортидан саҳрогача қувиб келади. Қалъа қурикчиларининг бошлиғи Фураҳ ва унинг аскарлари хам душман томонидан хужум хавфини кутмаганлар, аскарлар қирилади. Фураҳ асирикка олинади. Шу қалъани қўлга киритишгандан кўнгиллари кўтарилиб, улар бир неча кундан сўнг Зариаспга етиб келадилар, аммо шаҳарга хужум қилмадилар ва катта ўлжани қўлга олиб ортга қайтишга қарор қилдилар». 6. «Зариаспда касал бўлиб қолган бир неча отлик— «дўстлар» скифларнинг хужуми ҳақида эшитиб, улар Зариаспни қўриқлаш учун ёлланган 80 та чавандозга ва баъзи бир «подшо йигитлари»га бошлиқ бўлиб массагетлар ортидан қувадилар. Хеч нарсани кутмаган скифларга хужум қилиб, биринчи жангда улардан ўлжасини тортиб олиб, жуда кўп қароқчиларни қириб ташлайдилар. Тартибсиз холда ортга қайтган вактда улар Спитаман ва скифларнинг қўлига тушиб, 7 та «дўстлар» ва 60 та ёлланган чавандозлардан ажralадилар».

17. 1. «Кратер бу ҳакда хабар олиб, массагетларга қарши шиддатли юриш бошлади. Улар бундан хабардор бўлиб, чўлга қочадилар. Кратер Спитаманнинг изидан қувиб, унга саҳро чегараларида етиб олади; унинг бошчилигига яна мингта отлик массагетлар бор эди. 2. Македонлар ва скифлар ўртасидаги кучли жангда македонлар ғалаба қозонадилар. Скифларнинг бир юз элликта чавандозлари ҳалок бўлади. Бошқалари осонлик билан чўлга бекинадилар; уларнинг кетидан қувиш македонлар учун оғир бўлади».

4. «Спитаман ва унинг тарафдорлари македонларнинг қўриқчилари ҳамма жойларни тўсиб олганликларини кўриб аниқ бир жойга қочишга йўл топмадилар, Кейин қўшинларига хужум қилиш ва айнан шу жангда

ғалаба қозонишга қарор қиласылар. Улар Габа номли сүгдийлар ва скиф-массагетлар чегараларидаги жойга етиб келадилар ва 3000 күчманчи чавандозларни Сүгдиёна томонга рози қиласылар». 5. Бу скифлар жуда ҳам қашшоқ ахволда яшаганлар; уларнинг шахарлари ва ўтрок маконлари йўқ эди; бойлик мулкларидан ажраб қолиш учун қўрқинч сезгилари ҳам йўқ эди ва шунга кўра уларни ҳар қандай урушларга рози қилиш хеч нарса эмасди. Кейин Спитаман яқинлашиб келишини сезиб...; кемалар йўқ эди ва дарёнинг очик қирғокларида кўприк қуриш учун дараҳтзорлар ҳам йўқ эди. Шу вазиятдан у ягона хулоса чиқаради. У аскарларга сомон билан тўлдирилган мешларни тарқатишга қарор қиласи; улар мешлар устида дарёдан сузиб ўтишни бошлайдилар: дарёдан биринчи бўлиб кечиб ўтганлари қўриқчилик хизматини бажариб, бошқаларни кутиб оладилар. Шу тарзда қўшинлар олтинчи куни дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олишга муваффақ бўладилар».

VII. 6. 17. «Искандар Мароқандага етиб келади. Унинг мудофаа деворларининг узунлиги 70 стадий; шаҳар қўрғони иккинчи девор билан ўралган».

VII. I. 2. «Танаис ортидаги скиф давлатининг подшоси македонлар томонидан дарё бўйида асос солинган шаҳарни қуллик бўйинтуруғи бўлишини сезиб, уни вайрон қилиш ва македонларни дарё қирғоғидан узоқ масофага қувиб чиқариш учун катта бир отлиқ қўшин билан бирга ўз акаси Карапазис исмли йўлбошчини юборади. Танаис бактрийларни европалик скифлардан ажратади». 4. «Улар Истр дарёсининг нариги ёғидаги бошқа бир вилоятни эгаллаб, Осиёнинг чегара ерларида жойлашган Бақтрияга ҳам қўшни бўладилар. Улар жойлашган шимол ерларидан нарироқда қалин ўрмонзорлар ва охири йўқ жим-жит сайҳон ерлар бошланади; Танаис ва Бақтрия бўйлаб жойлашган ерлар умумий маданий изларга эга». 5. «Искандар тайёргарлик қўрмасдан биринчи бўлиб жанг қилишга эришади, унинг кўз ўнгидага душман чавандозлари отда

чопадилар, у эса ярадорликдан бутунлай тузалмаган... Ҳуллас, у дўстларини маслаҳатга чақиради». 6. «У душмандан эмас, ноқулай вазиятдан қўрқсан эди. Бақтрийлар исён кўтарадилар, скифлар безовта бўладилар; унинг ўзи зўрга оёқда туриб, отга минишга ҳам, йўлбошчи бўлишга ва аскарларни руҳлантиришга ҳам имкон топмади...»

30. «Етиб келаётган хабарлар унинг тўхтовсиз ғалабалари шаънига мос келмас эди». 31. «Юқоридаги ҳикояларга кўра, у бақтрийлар қўзголонига айбдор Спитаманга карши Менедемни юборади. У (Спитаман) македонлар яқинлашиб келиши ҳақида эшишиб ва шаҳар атрофида қамалиб қолиш вазиятидан сақланиш учун панагоҳга бекинади, шу ердан ўтиши мумкин бўлган душманга ҳужум қилишга қарор қилди». 32. «Йўл пистирма учун қулай жойни кесиб ўтади, шу ерда у душманни яшинтиради. Хар бир отларида иккита қуролланган чазандозлар бўлади, кутилмаганда улар навбат билан ерга тушиб отлиқлар жангидаги душманларга тусқинлик қиласидилар». 33. «Аскарларнинг эпчиллиги отларининг чаққонлигига ўхшаб кетади. Спитаман чангалзорни ўраб олишга буйруқ бериб, душманларга карши бирданига ортдан, рўпара ва ён томонлардан ҳужум қиласиди». 34. «Менедем ҳамма томондан ўраб олинади, нотаниш жойда пистирмага тушган ва бошқа ҳеч иложи йўқлигини кўриб, ўз аскарларига сон жиҳатдан устун бўлган душманларни қириб ташлашга ва мағрур ҳалок бўлишга чақиради». 35. «Унинг остида кучли от бўлган; кўп холларда варварлар сафига ташланиб, уларга даҳшатли зарап келтиради. 36. «Душманлар унга кўпдан-кўп ўқ отадилар. Саноқсиз яралардан заифланиб ... у жонидан жудо бўлди ва от устидан ерга тушиб қулади». 39. «Бу жангда 2000 та пиёда аскарлар ва 300 та чавандозлар ҳалок бўлади. Жанг майдонидан чикиб келган аскарларни ўлим жазоси билан қўрқитиб, Искандар бу мағлубият ҳақидаги хабарни эҳтиётлик билан сир сақлади».

IX, 20. «Кратер билан қўшинларнинг катта бир қисмига ортидан юришга буйруқ бериб, Искандар Марокандага етиб келади, унинг келишидан Спитаман ҳабар топиб, бу ердан Бастра томонга қочишга мажбур булади».

IX. I. «Суғдиёна —кенг ҳудудий масофадаги даштли давлатдан иборат, чўлларнинг кенглиги 80 стадийга яқинлашади. Тўғри йўналишда — бу йирик давлатдир, маҳаллий ахоли томонидан Политимет деган дарё мамлакат бўйлаб шиддатли оқади. Дарё ерга сингиб кетади». 4. «Суғдийлар асиrlаридан подшога 30 та кучли эрларни олиб келадилар, улар подшо буйруғига биноан ўлим жазосига берилишларини эшишиб, мағрур холатда ғоят хурсанд бўлиб куйладилар...» 4. Подшо уларнинг мардлигидан ажабланиб, ортга қайтаришга буйруқ беради ва ўлим олдидан уларнинг шодланиш сабабларини суриштиради. Улар айтадиларки, агар ўзларига бошқа бирор ўлим жазосини берганда, қайғуланиб улардилар, аммо ўз аждодларининг ёнига уларни ҳамма қабилалар устидан ғолиб чиқиши учун подшо юборганлигидан хурсанд бўлиб, ўз жонажон қўшикларини айтдилар ва бутун жасурлар орзуси бллган фахрли ўлимни байрам қилдилар».

VIII. 10. «... Подшо Базаира номли вилоятга йул олади. 11. Бу вилоятнинг энг катта бойлиги — кенг дараҳтзорларда ва қўриқхоналарда сақланиб яшаётган ҳамда маҳсус урчитилган турли ҳайвон зотлари бўлганлигидир. Бунга кўп булоқларга эга ўрмонзорлар атайлаб ажратилган: шу дараҳтзорлар истехкомлар билан ўралган ва овчиilar учун, буржлар ва маконлар қурилган». 13. «Маълум бўлишича қўриқхоналардан бирида тўрт авлодлар хаёти давомида хеч ким ов қилмаган. Искандар аскарлари билан қўриқхонанинг ичига кириб ҳайвонларни ов қилишга буюради». 14. «Камдан-кам учрайдиган катталиқдаги шер Искандарнинг рўпарасига югуриб чиқади, унинг ёнида тасодифан турган ва кейинчалик подшо бўладиган Лисимах ҳайвонни шохдор таёқ билан кутиб олишга

тайёр бўлди. Аммо подшо уни четлаштириб ва овга халақит бермасликка буюриб, ягона ўзим ҳам Лисимахга ўхшаб шерни ўлдиришим мумкин деб гапиради». 15. «Ахир бир пайтлар Сурияда ов қилиб Лисимах ягона ўзи камёб катталигидаги ҳайвонни ўлдирган. Аммо ҳайвон Лисимахнинг чап елкасини суюгигача талаб уни ўлим холатига келтирган. Шу ҳақда Лисимахга маломат билан эслатиб, подшо ўз жасоратини сўзларида эмас, амалда исботлади: у шерни яқинлаштириб бир зарба билан ўлдиради...»

19. «Шу жойдан у Мароқандага қайтади. У Артабозни фахрли ёшига кўра хокимлигидан озод қилиб, вилоятни Клит идорасига ўтказади. Клит Граник дарёси ёнида Искандарни ўз қалқони билан бекитиб, подшо боши устида Резак томонидан кўтарилилган қиличли қўлни кесиб ташлайди».

### **1.3. Страбон, «География». XI китоб, XI боб, 3: Сиёсий воқеалар. Искандар ва Спитаман.**

«Олдинги замонларда бактрийлар, суғдийларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари кўчманчиларнинг турмуш тарзидан кўп фарқ қилмаган, аммо бақтрийларнинг анъаналари анча юқори маданиятга эга бўлган; лекин улар ҳақидаги Онесикритнинг фикри мақтоврга сазовор бўлди. Унинг сўзларига кўра, қариллик ва касалликдан ўлган одамларни улар маҳсус боқилган ва

маҳаллий тилларида «гўрковлар» деган ит олдига ташлаганлар. Бактрийлар пойтахти анча тоза бўлган, лекин давлат худудининг катта бир қисми одамлар билан тўлдирилган; Искандар бу урф-одатни ман этди. Шунга ўхшаган ҳикояларни каспийлар ҳақида ҳам берадилар: улар 70 ёшдан ошган ўз ота-оналарини қамаб қўядилар ва оч қолдирадилар». Айтишларича, Искандар Бақтрия ва Сугдиёна шаҳарларига асос солган ва кўпларини вайрон қилган. Вайрон қилганлари жумласидан Бақтрия ўқрғони (бу ерда Каллисфен қўлга тушиб қамоқقا олинган), Сугдйёнадаги

Мароқанда ва Кира — Яксартдаги Кир томонидан қурилган охирги шаҳар; бу давлатнинг чеккаси бўлган.

Милоддан аввалги 329 йилда Искандар 15 кун давомида муз-қорли "Хиндиқуш" тоғидан ўтиб Бақтрияning маркази Бақтр, Аорн ва Драпсак шаҳарларини жангсиз истило қиласди. Бақтрия ва Сугдиёнанинг ҳокими Бесс охирги аҳамоний Доро III ни ўлдиришда қатнашиб, уни Артаксеркс номини «улугъ подшо» деб эълон қиласди ва Суғдиёнанинг Наутака вилоятига қочишга мажбур бўлади.

Бақтрадан Мароқанда шаҳригача етиб бориш вақти 12 кунга тенг бўлган. Аҳамонийлар давридан бошлаб бир кунлик йўл ўлчови, Геродотнинг ёзишича 50 стадий ёки 5 фарсаҳ (28 км). Суғдиёнага юришлар бошланган. Искандар озиқ-овқат маҳсулотларини етарли ғамлаб олиб, Окс дарёси томон йўл олади.

Рим тарихшуноси Курций Руфнинг фикрига кўра Бақтрадан Окс дарёсигача булган масофа 400 стадия (75 км) бўлган. Бу масофани Искандар аскарлари икки кун давомида босиб ўтиб, Амударёни Термиз Калиф шахри ўртасида кечиб ўтадилар. Олимлар фикрига кўра, Амударёдан кечиб ўтишнинг энг кадимги жой Термиздан ғарбдаги Шуроб ва Чўчка Гузар бўлган. Шуроб ўрнида милоддан аввалги VI—IV асрларга оид қишлоқ харобалари топилган.

Бу вақтда Бесс — Артаксеркс Суғдиёна ичкарисига қараб кетади, аммо янги подшони сўғдийлар Спитама Аrimaz, Австан ва Датафернлар асирикка олиб, Искандарга топширишга "тайёр" бўладилар. Искандар бундан ҳабардор бўлиб, шошилинч равишда лашкарбоши Птолемей Лагни Наутакага юборади. Арияннинг айтишича Оксдан Наутакагача ўн кунлик йўл бўлган, аммо бу масофани Птолемей қўшинлари тўрт кун ичиди босиб ўтганлар. Сўғдликлар ўзлари қўриқлаб турган Бессни маҳсус жойда қолдириб, Спитаман тарафдорлари билан бирга македонияликлар учун номаълум бўлган томонга қараб кетадилар.

Йўлбошчилар ва жангчиларсиз қолдирилган Наутака ҳамда Мароканда шаҳарларини Искандар осонлик билан қўлга киритади. Фақат Мароканда атрофида жойлашган босқинчиларга «қаршилик қўрсатган сўғдийлар уй-кўрғонлари подшо буйруғига биноан вайрон қилинади. Искандар Мароқанда шахрида ўз ҳарбийларининг бир қисмини қолдириб, Сирдарё — Яксарт томонга йўл олади. Мароқанда ва ҳозирги Хўжанд орасидаги Уструшона тоғларида македониялик қўшинларга маҳаллий аҳоли — мамакенлар ҳужум қиласидилар. Искандар яраланади. Кучли жанг "Искандарнинг ғалабаси билан якунланади.

Сирдарё этагидан узоқ бўлмаган ноҳияда Киропол шаҳри қамал қилинади. Шу даврда Яксартнинг шимолий қирроғида саклар тўпланиб, македонларга ҳужум қилмоқчи бўладилар. Искандар ҳозирги Бекобод ва Хўжанд оралиғида Сирдарёдан кечиб ўтади "ва қаттиў жангдан сўнг саклар қочишга мажбур бўладилар. Искандар қайтиб, Яксарт бўйида Александрия Эсхатадаги (четдаги, охирги Искандария) шаҳарда эди. Шу даврда кутилмагандан Суғдиёнадан ҳабар келади — Спитаман бошчилигида македонларга қарши қўзголон бошланади ва Мароқанда Искандарнинг ҳарбий қисмлари қамал қилинади. Уларни тор-мор қилиш учун Искандар Каран бошчилигидаги пиёда ҳамда отлиқ аскарларни Мароқандага шошилинч жўнатади. Полит Зарафшон бўйидаги жангда Спитаман юононлар устидан ғалаба қозонади, икки мингдан ортиқ македонлар ҳалок бўладилар. Искандар учун бу жуда катта мағлубият бўлиб, Спитаманга қарши жиддий тайёргарлик кўришни талаб қиласиди.

Искандар асосий кучлари билан Мароқандага етиб келади. I. аммо Спитаман *Кеши* - *Қашқадарё* ва кейинчалик жануб томонга чекинади. Газабланган Искандар (у бирор марта енгилмаган эди) Мароқанда ва ҳозирги Бухоро шаҳарлари оралиғидаги 120 минг тинч аҳолини қириб ташлайди. Милодан аввалги 328 йилда Спитаман Бақтриядаги, Зарафшонда македонияликларг қарши ҳужум уюштиради, аммо бу жанглар

кўзғолончилар учун муваффақиятсиз якунланади ва Спитаман саклар билан чекинишга мажбур бўлади. Саклар Искандарнинг ерларига ҳужумга тайёргарлик кўраётганидан ҳабардор бўлиб, Спитаманни ўлдирадилар.

Сўғдиёна ҳаробага айланиб қолади, жуда куп сўғдийлар тоғларга қочиб яширинадилар. Милоддан аввалги 228 йилда Искандар Ҳисор тизмасида жойлашган ва Оксиарт эгаллаб турган «Сўғд қалъаси»ни қўлга киритади, унинг гўзал қизи Рухшанакка (Роксана) уйланади.

Яна бир қудратли қалья (Хориен ёки Сизамитр) Сўғд ва Бақтрия чегараларидаги тоғларда жойлаш. Бу ерда Хориен қаъласи ҳукмдорининг оила аъзолари, ҳамда яқин қариндошлари, тарафдорлари ва хизматкорлари яширинган эди. Хориен ўз ихтиёри билан Искандарга бўйсунишга рози бўлган. Албатта, Оксиарт ва Хориенга ухшаган шахслар ўз хаётини, тинчлигини ва мол-мулкларини ҳимоя қилганлар. Жасур Спитаман ҳам ўзини сақлаши мумкин эди, аммо у чет эл босқинчиларига қарши ватанининг мустакиллиги учун курашди. Спитаман учун ватанпарварлик ва она ер мудофааси муқаддас бурч бўлган.

Рус олими В. В. Григорьев ватанпарвар сугдийлар ва уларнинг бошлиги Спитаманга хурмат-иззат билан жуда юксак баҳо берган: «Агар Доро Искандардан ўз подшолигини ҳимоя қилолмаган бўлса, Бесс разил номард чиққан бўлса ҳам, аммо бу ерда, Туронда, шундай юраклар топилдики, улар чет элликларга бўйсунишга итоат этмадилар, шундай қуллар топилдики, улар чақирилмаган бегоналарга қарши халқ қасоси на-моён этдилар».

Искандар Бақтрия, Суғдиёна ва Уструшонанинг бир қисмини истило қилиб, милоддан аввалги 327 йилда Ҳиндистонга ҳужум бошлайди. Марказий Осиёда Хоразм, Чоч, Фарғона ва саклар юрти мустақил бўлиб қолади. Сугдиёна, Бақтрия, Марғиёна ва Парфия янги давлатга қўшилиб, кейинчалик уларнинг тупроғида айрим юонон-македон давлатлари вужудга келади.

Искандарнинг тарихи дунё адабиётларида жуда машхурдир. Унинг фаолияти, юришлари халқда юононлар, румийлар, форслар ва араблар қадимги замонларда кўп асарлар ёзганлар. Бу асарларнинг муаллифлари Искандарни тарихий шахс сифатида турлича баҳолаганлар (дунё халқларини ва давлатларни бирлаштирувчи подшо, адолатли дунё давлатига асос солишини мақсад қилган шахс ёки босқинчи, халқларни забт этувчи, ўлим, зулм келтирувчи подшо ҳамда бошқа фикр-хулосалар).

Плутархнинг айтишича, Искандар Осиёга қароқчи бўлиб ўтмади, унинг орзуси кутилмаган омад берган ўлжа, бойликларни қўлга киритиш мақсадидан ташқари бу дунёда ҳаммани бир қонунга тобе қилиб ва бир давлатга тўплаб, инсонларни бир халққа бирлаштириш эди.

Шарқдаги ўрта асрларга оид адабиётларда македониялик Искандар жасур подшо, баҳодир жангчи сифатида ҳам ёритилиб, унинг босқинчилик урушлари, маҳаллий аҳолини қириб ташлаши, шахарларни вайрон қилишига эътибор берилмаган. Искандар Шарқ халқларини аҳамонийлар зулмидан озод қилиб, уларнинг устига юон зулмини ўрнатди. Подшолар ва хокимлар алмашиб, сиёsat ўзгарди, аммо халқдар мустақил бўлиш, қуллик зулмдан қутулиш учун Марказий Осиё халқлари доимо мардонавар жанг олиб борган.

I.1. Македониялик Искандар ўз даврининг фарзанди эди. Искандарнинг ҳарбий юришлари Шарқ ва Гарб ўртасида кенг савдо-сотиқ ҳамда маданий алоқаларнинг ривожланишига олиб келди. Искандар ва унинг яқинларининг ўлимидан сўнг маҳаллий ҳамда Юон маданиятининг қўшилиш жараёни бошланади. Бунинг таъсирини моддий маданиятнинг ривожланишида, қурилиш ва меъморчиликда, кулолчилик ва тасвирий санъатда, янги алифбо ва ёзувларнинг тарқалишида, тангашуносликда ҳамда диний эътиқодларда ривожланиш юз берди. Юонлар Кадимги Шаркнинг жуда кўп мамлакатлари ютуқларини қабул қиласидилар ва

ўзларининг маданий таъсирларини ҳам маҳаллий аҳолининг маданиятига жорий этадилар.

Македониялик Искандарнинг юришлари ёзма манбаларда Қадимги Шарқ ва Марказий Осиёдаги тарихий-географик маълумотларнинг кўпайишига асос солган. Ҳарбий юришлардан олдин Искандар Қадимги Шарқ ахолисининг жойлашуви ва мамлакатларнинг ҳудудий чегаралари билан танишиб олишда Скилак, Гекатей, Геродот ва Ктесийларнинг ҳабарларига асосланиши мумкин эди. Марказий Осиё ва Хиндистонга етиб келгандан сўнг юонон-македонларнинг тарихий-географик маълумотлари анча кенгаяди. Даставвал, дунё чегаралари («ойкумена») Яксарт ва Ҳинд дарёсидан ўтмаганлиги маълум бўлади. Яксартнинг нариги ёғидаги бепоён чўллар, Ҳинд дарёсининг нариги ёғида яна бир серсув дарё Ганг, даҳшатли ўрмонзорлар ва баланд чўққили тоғлар Искандарни ажаблантириб, дунё чегараларининг бу ерда бошланмаганлиги подшони аччиқ афсуслантиради. Бутун дунё ҳалқларини бўйсундириш ва бир умумий давлатда уларни бирлаштириш, Искандар учун ҳеч қачон ечилмайдиган муаммо бўлиб қолади.

Искандар Ҳиндистонда бўлган пайтда Суғдиёна, Эронда, Олд Осиёдан то Афина шаҳаригача бўлган худудларда унинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги қайғули ҳабар тарқалади. Кўпчилик учун, айникда давлат тахтини қўлга олиб подшо бўлиш мақдадини қўйган шуҳратпараст хокимлар учун бу хушҳабар эди. Улар Искандарга бўлган кўркувни йўқотиб жуда хурсанд бўладилар, бошқалар эса қайғуланадилар. Афина шахрида мотамга тайёргарлик бошланганда бир сўзловчи пайдо бўлиб, бундай дейди: «Афиналиклар, Искандар ҳалок бўлмади ... Искандарнинг улуғворлиги ва шон-шарафлиги эътироф қилинди.

Шу даврда узоқ Ҳиндистонда юонон-македониялик аскарлар ҳарбий юришларни давом эттиришга рози бўлмайдилар. Тухтовсиз жанглар ва шахарларни қамал қилиш, нотаниш хавфли юртлар, янги ва янги тоғлар

билин бепоён-чўллар, кенг чуқур дарёлар уларнинг жонига тегиб, энди бошқ қизиқтирмасди. Бегона ўлкаларнинг йўлларида македонияликларни ҳар бир қадамда ўлим ёки ярадорлик кутиб оларди. Найза ва ханжарларни занг босиб, уларни яроқсиз холга келтириб қўяди. Босқинчиларнинг чидамлигига ҳам аниқ бир чегара бор. Юнон-македонлар Шарқдаги урушлардан ва қон тўкилишидан чарчаган эдилар.

Ҳиндистонда Искандар мақсадига эришмайди, ўз орзулари билан якка бўлиб қолади. Узоқ дарё чегараларида Искандар ҳарбийларига улуғ подшо, ватан севгиси ва урушлар худоси бўлган бўлса ҳам, унинг жанговар аскарлари олдинга бир қадам ҳам босишни хохламайдилар. Улар ортга қайтишни илтимос қиласидилар. Агар подшо рози бўлмаса, у содда жангчиларни қириб ташлаб, Ганг дарёсига янги отаси — худо Амон билан биргалиқда юриши мумкин, деб уйладидилар ҳарбий македонлар.

Искандар шарқий юришлар тўхтатилишини эълон қилиб, яна бир юксак ғалабани қўлга киритади — аскарлар беҳад хурсандчиликка сазовор бўладилар. Милоддан аввалги 325 йилда македонлар кемалардан фойдаланиб, Хинд дарёси орқали океанга етиб борадилар. Шундан сўнг Неарх бошчилигига ҳарбийларнинг бир қисми кемаларда Форс қўлтиғига қараб сузадилар. Искандар ва қўшинларнинг бошқа бир қисми Гедросиё сахролари орқали Эронга йўл оладилар. Милоддан аввалги 124 йилда уларнинг ҳаммаси денгиз ва сахро йўлларида жуда қаттиқ азоб тортиб, Эрондаги Суза шаҳрида учрашадилар. Македония, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Ҳиндистонгача чўзилган сайҳон ерларда йирик давлатга асос солинади. Аммо унинг асосчиси вафотидан сўнг (милоддан аввалги 323 йил) бу давлат қисмларга бўлиниб, парчаланади.

## **1.4.Юнон тарихчилари асарларида тарихий география масаласи.**

Сўнгги юнон муаллифлари асарларида биз кўриб чиқаётган ўлка тўғрисидаги тарихий ва этнографик маълумотлар Геродот ёки Ктесийларнинг маълумотларига нисбатан анча тўлароқ ва кенгроқдир. Бу манбалар Ўзбекистоннинг тарихий географияси долзарб муаммоларини хал қилишда асос бўлади. Манбалар ҳозирги тарихий адабиётда керакли даражада ёритилган. Ёзма манбаларни археологик маълумотлар билан солишириб замонавий географик хариталарда халқларнинг ҳудудий жойлашув чегараларини, қадимги шаҳарларни, дарёлардан кечиб ўтиш жойларини, қадимги йўлларни, вилоятларни ва тарихий районларни топиш мумкин. Бу муаммо жуда ҳам қизиқарлидир.

Юнон-рим тарихий ва географик адабиётларида Марказий Осиё халқларининг ҳудудий жойлашуви ва вилоятларнинг чегаралари аниқ кўрсатилмаган. Искандар даврида Яксарт — Сирдарё бу Танаис —Дон дарёсининг бошланиши деб фараз қилинган, ҳудди шундай Нил — бу Ҳинд дарёсининг қуи оқими деб хулоса чиқарилган.

Ёзма манбаларда Бақтрияning жанубий чегаралари Парнас, Паропамис —Ҳиндиқуш тоғлари билан боғланиб Қадимги дунё муаллифлари бақтрийлар жойлашган ерни жуда тор қилиб кўрсатганлар. Баъзиларининг Ҳинд дарёси бошланган Паропамис тоғларига рўпара бўлиб турган (Плиний). Страбон ҳам Эратосфеннинг маълумотларига асосланиб, «бақтрийларнинг асосий қисми Паропамис ёнбағрида жойлашиб, унинг бир кичик ери Ҳинdistонга рўпара бўлган»,— деган.

И.В. Пьянковнинг фикрига кўра, Страбон ва Плинийлар-Бақтрияning жанубий қисми ҳақида ёзганлар ва Ҳиндиқуш тизмасини улар жанубий чегара сифатида тўғри кўрсатиб берганлар. Аракс, Окс — Амударё Страбоннинг ҳабарига кўра, «бақтрийлар ерини Суғдиёнадан ажратади». Бошқа ёзма манбаларда ҳам Наутака ва Мароқандага юриш

қилаётган Искандарнинг қўшинлари йўлида Окс дарёси Бақтрия ва Суғдиёна ўртасидаги чегара сифатида кўрсатилган.

Страбон Аракс ҳақида бундай ҳабар қиласди: «У матиёнлар вилоятидан бошланади ва қирқ дарёга бўлиниб, скифлар билан бақтрияликларни ажратади» (Страбон, XI, 14, 13). Тадқиқотчилар фикрига кўра, Страбон буни тарихчи Каллисфен маълумотларига асосланиб айтган. Аракс — Амударё Бақтрия ерларини Помир тоғларида ёки дарёнинг ўрта оқими атрофида яшовчи саклардан ажратиб олиши мумкин эди. Ҳарбий юришларда қатнашган Каллисфен бу вазиятни аниқ кузатган.

Қадимги тарихчилар халкларнинг жойлашув чегараларини дарёлар бўйича ажратганлар. Бундай анъана Марказий Осиё халқарининг ерлари, чегаралари тўғрисида аниқ ва тўла тасаввурга эга бўлмаган муаллифларнинг маълумотларидан келиб чиқсан (уларнинг тасаввурлари бирмунча умумий булган).

Римлик тарихчи Квинт Курций Руфнинг битта гапи бунга мисол бўлади: «Танаис бақтрияликларни скифлардан ажратиб туради... Унинг оқими Осиё ва Европа ўртасидаги чегара бўлган» (Курций, 7. 2). Бу тарихий анъана Танаис (Дон) ва Яксарт (Сирдарё) бир умумий дарё бўлганлиги фикри билан узвий боғланади.

Скифлардан (саклардан) ажратувчи чегара — бу Искандар Сирдарёдан ўтиб олган жой бўлгандир, чунки македонияликлар Сирдарёни бошқа ноҳияларда кўрмаганлар. Аммо шу жойда Уструшона ёки ҳеч бўлмаса Суғдининг шимолий чегаралари бўлиб ўтгандир. Сўнгги аҳамонийлар даврида Бақтрия ўлкаси (сатраплиги) Сирдарё ҳудудини ўз ичига олган. Шу вазиятга кўра, Сирдарё ҳам чегараси сифатида кўрсатилган.

Страбон, Птолемей ва Аррианлар Амударёни Бақтрия ва Сўғд ўртасидаги чегара сифатида кўрсатадилар. Бир ҳабарларда айнан Суғдиёна факат Зарафшон воҳаси ерлари билан боғланади. Плутархларнинг

тъкидлашича, Суғдиёна йўналишда — бу Политимет узунлиги, унинг эни 130 стадий» (15 км). И.В. Пьянков фикрига кўра, 15 км.

Қадимги муаллифларнинг ҳикоялари асосан юришлар, жанглар ҳақида бўлиб, шаҳарлар ва қалъалар қамал қилинган жойлар билан боғланади. Шу жумладан ғорлар — Парнас, Паропамис, «номсиз тор ўлкаси», дарёлар — Аракс, Окс, Политимет, Танаис — Яксарт; шаҳарлар — Бактра, Аорн, Драпсақ Мароқанда, Кирополис, Бранхийлар шаҳарчаси, Басилейа—«подшо шахри», вилоятлар — Наутака, Ксениппа, Габаза (Газаба), Паритака, Бубакена; қалъалар — Баги, Суғд қалъаси», Хориен — Сисимитр қалъаси; ўлкалар — Бақтрия, Суғдиёна, Скифия (сак-массагетлар юрти, Хоразм.

Тарихшуное Арриан ва Курций Руфларнинг айтишича, милоддан аввалги 329 йилда Искандарнинг Сўғдга томон юриши қуйидаги йўналишда бўлган: Бактра — Окс — Бранхийлар шаҳарчаси — Наутака — Мароқанда — Кирополис— Яксарт.

Бранхийлар шаҳарчаси - Кичик Осиёдаги Милет шахри атрофида худо Аполлонга бағишлиланган машҳур бир ибодатхона бўлган. Бу ибодатхонани Бранх авлодидан келиб чиққан қоҳинлар бино қилганлар. Милоддан аввалги 480 йилда қадимги форс подшоси Ксеркс Аполлон ибодатхонасини вайрон қилгаи. Бранхийлар қаршилик кўрсата олмаганлар ва ибодатхонани ҳимоя қилмаганлар. Бундан ташқари, коҳинлар Аполлон ибодатхонасининг муқаддас хазинасини ҳам подшо Ксеркс кўлига топширганлар.

Юонон ҳалқи ғазаби ва қасосидан кўрқиб, бранхийлар форслар билан Эронга қочишга мажбур бўладилар. Қадимги юонон географи Страбоннинг айтишича, уларни Ксеркс шарқий бир вилоятга кўчириб юборган. Бу узоқ ўлкага, бранхийлар фикрича, юононлар ҳеч қачон етиб боролмасди. Курций Руфнинг маълумотларига кўра, бранхийлар Амударёнинг нариги ёғидаги ерларда кичик шаҳарчага асос солганлар.

Орадан 150 йил вакт ўтди, бранхийларяинг авлодлари маҳаллиймаданий анъаналарни қабул қилиб, ўз урф-одатларини ҳам эсларидан чиқармадилар. Искандар Оксдан кечиб ўтиб, кичик бир шаҳарга етиб боради. Курций Руфнинг айтишича, бранхийлар узоқ юртдошларини хурсандчилик билан кутиб оладилар. Аммо Искандар уларни қириб ташлаб, шаҳарни вайрон қиласди. Страбоннинг гапига кўра, Искандар уларнинг ҳаммасини оотқинлик учун ўлдирган, чунки подшо сотқинлардан нафратланган. Курций Руф бу воқеани шундай холосалайди: «Ўзлари Милет шаҳрини ҳеч қачон кўрмаган авлодлар ўз ота-боболари гуноҳини шундай қилиб ювдилар».

Олимлар орасида Бранхийлар шаҳарчаси ҳақида турли хил фикрлар бор. Охирги йилларда бу мавзу билан археолог Э. В. Ртвеладзе чуқур шуғулланиб, Бранхийлар шаҳарчаси Шеробод воҳасидаги Талашқонтепа ўрнида жойлашган деган фикрни илгари сурди. Милоддан аввалги V—IV асрларга оид Талашқонтепа Амударёдан 20 км. шимолда жойлашган бўлиб, қалин ва мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган (деворларнинг эни 5 м.). Бу құдратли қалъа Бактра шахридан Наутака ва Мароқанда томонга қараб давом этган қадимги карвон йўлида бино қилинган. Энг қизиғи шундан иборатки, Талашқонтепага рўпара бўлиб (20 км масофада) Амударёдан кечиб ўтиш жойида яна бир қадимги макон — Шўробқўргон жойлашган.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Термиз атрофидаги Амударёдан кечиб ўтиш жойининг номи Пардагви бўлган. Эронлик муаллиф Хофизи Абру (XV аср) «География» номли асарида (бундай ҳабар қиласди: «Баъзи бирларнинг айтишича, Пардагви Термиздан анча олдинги даврларда бино қилинган; бошқалар — унга Искандар асос солган дейдилар. Искандар даврида бу жой Пардагви деб номланган, унинг маъноси — меҳмонхонадир. Қадимги Пардагвида Жайхундан кечиб уни билан

шуғулланган кемачилар яшаганлар, бу ер шу дарёдан султонлар кечиб ўтиши жойи бўлган...»

Курций Руф ўз ҳикоясини якунлаб, фожиали хulosа қиласи: «Ниҳоят, шаҳардан ҳеч қандай излар қолмаслиги учун деворларининг пойдеворларигача бутунлай вайрон қилинди. Бу жойни кенг саҳдога ва унумсиз ерларга айлантириш макдадида муқаддас чангалзорлар на ўрмонлар кесиб ташланиб, илдизи билан ковлаб олинади».

Наутака (Навтака) - Сўғдиёна вилоятларидан бири бўлиб, бу сўз «янги қурилиш, янги жой» деб таржима қилинади. Ариан асарида Наутака — «суғдийлар ери» маъносида ёритилган (Ариан III, 29, 7, III, 30, 6). Милоддан аввалги 329 йилда Окс дарёсидан Наутака томонга қараб Бесс қочишга мажбур бўлган, икки йилдан сўнг қаттиқ совуқ қиши пайтида Наутака атрофида македонлар дам олиб янги жангларга тайёргарлик кўрганлар. Наутакадан Искандар Ҳиндистонга юришларини бошлаган. Наутаканинг жойлашуви ҳакида илмий адабиётларда турли фикрлар бор. Жумладан, Наутака — бу Шахрисабз шаҳридан Амударёгача чўзилган кенг вилоятнинг номи (В. В. Григорьев), Шахрисабз атрофи ерлари (В. Томашек, Ф. Шварц), Қашқадарё воҳаси (К.В. Тревер), Қарши ёки Шахрисабз (И.Г. Дройзен), Қашқадарёнинг шарқий қисми (С. Қ Кабанов), Қарши воҳаси (М.Е. Массон, Р.Х. Сулаймонов), Чимқургон — Яккабоғ тумани ва Хисор тизмасининг жануби-ғарбий ён бағри (Э. В. Ртвеладзе). Бу мавзуу билан тарихчилар XIX асрдан бошлаб шуғулланганлар, аммо фақат охирги йилларда Қашқадарё воҳасида аҳамонийлар ва Искандар даврига оид жуда кўп археологик ёдгорликлар топиб текширилгандан сўнг бу муаммога аниқлик киритилди.

Искандар Наутакадан Бақтр томонга юришида тор дарадан фойдаланган (ҳозирги Ғузор, Дехқонобод, Дарбанд, Шеробод, Шўробқўрғон - Пардагви йўналиши.

Ёзма манбалар ва археологик маълумотларга кўра Наутака вилояти Зарафшон тизмасидан бошланиб, оҳирги Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Ўрадарё оралиғи ерларини ўз ичига олган. Вилоят маркази Узунқир қалъаси бўлган Сангиртепа ўрнида Нуатака хокимининг саройи жойлашган, у кучли мудофаа деворлари билан ўралган. Наутака вилоятининг ҳокими Оксиарт бўлиши мумкин эди (ёзма манбаларда бу хақда ҳеч қандай маълумотлар йўқ). Македонлар забт этган «Суғд қалъаси»га Оксиарт эгалик қилган. Бу қалъа Узунқир ва Сангиртепага яқин бўлган Хисор тоғларида жойлашган.

Ксениппа. Бу Наутака ерларига қўшни яна бир Суғд вилоятининг номидир. Тадқиқотчилар ёзма манбаларга асосланиб, Ксениппа ерларини Қашқадарё воҳасида жойлаштириб, турли хил хulosалар чиқарганлар: Шахри-Саба ноҳияси ёки Бойсун воҳаси (В. В. Григорьев); Қуи Қашқадарё (В. Томашек, Э.В. Ртвеладзе); Шахрисабзнинг шимоли-шарқий томонидаги тоғлар (И.Г. Дройзен); Китоб (М.Е. Массон, Н.И. Крашенинникова). Ксениппа — алоҳида бир шаҳар бўлмаган. Курций Руф уни «жой», «ер» сифатида кўрсатиб, кўчманчилар яшаган даштларга яқин бир ўлка билан боғлаган. Қуи Қашқадарёнинг қўриқ чўлларида қадимги замонлардан кўчманчи чорвадорлар яшаганлар.

Хозирги Қарши ва Косон шаҳарлари ўртасида археологлар Еркўргон шаҳар ҳаробасини топиб текширганлар. Мудофаа деворлари билан ўралган ва алоҳида ҳоким кўргонига эга бўлган Еркўргон Ксениппа вилоятининг маркази бўлган бўлиши мумкин. Косон шахри номи ҳам Ксениппа, Ксанап, Нахшап сўзларидан келиб чиқкан бўлиши эҳтимоли бор.

Искандарнинг Суғдиёнага юришларининг биринчи босқичида Ксениппа мустақил бўлиб келган, чунки македонияликларнинг юришлари бир томонлама йўлланган (Окс — Наутака — Мароканда — Яксарт).

Басилейа —«подшоҳ шахри». Арианнинг айтишича, Карап ва Фарнух бошлигидаги ёрдамчи қўшинлар Марокандага етиб келиши билан Спитаман шаҳардаги македонларга қамал — хужумни тўхтатиб, Суғдиёна пойтахтига чекинишга мажбур бўлади. Бу хабарлардан шу нарса маълум бўладики, Суғдиёнада пойтахт — марказ вазифасини (Мароқандадан ташқари) яна бир шаҳар бажарган (демак Суғдиёнанинг алоҳида иккита пойтахти бўлган) ёки Ариан жиддий хатога йўл қўйган.

Суғдиёнанинг «иккинчи пойтахти»— Басилейа («подшо шахри») ҳақида илмий назария XIX аср адабиётларида пайдо бўлган. В.В. Григорьев, И. Г. Дройзен па В. В. Бартольдлар ўрта асрларнинг тарихий вазиятини назарда тутиб, «иккинчи пойтахтни» Бухоро ўрнида жойлаштирганлар. Е.А. Мончадская фикрига кўра, Арианнинг асарида «басилейа» ўрнига «басиста» сўзини ўқиши лозим, чунки бу сўзларнинг бошлангич тўртта ва охирги ҳарфлари бир-биридан фарқ қилмайди.

Басиста - бу Мароқанда атрофидаги Искандар ов қилган қўриқхонанинг номидир. Басиста ҳақида тарихчи Диодор эълон қилган ва бу жойни В.Томашек Панжикент ёки Ургут туманлари билан боғлаган. Е.А. Мончадскаянинг таъкидлашича, шу қўриқхонада Спитаман Фарнух ва Карап қўшинларини мағлубиятга учратган.

Ҳайвонларни сақлаш, урчишиш ва уларни ов қилиш учун давлат томонидан маҳсус ажратилган ҳамда қўриқланадиган жойлар аҳамонийлар даврида «парадиз» деб аталган. Шундай қўриқхоналар Суғдиёнада ҳам бўлган, аммо ўйлаймизки, Спитаман шу ов - қўриқхонага чекинмаган. Биринчидан, Спитаман қўшинлари асосан отлик ҳарбийлардан иборат бўлиб, тоғли ёки чанглазор ерларда уларнинг кучлари анча заифланарди. Иккинчидан, Спитаман бошлигидаги қўзғолончилар билан македонлар ўртасидаги жанглар асосан чўл ва даштларга яқин ерларда бўлган. Ариан Спитаман ва Фарнух билан Карап ўртасидаги жанг жойини чўлга яқин бўлган деб ёритади. Тарихчининг айтишича, бу жангдан сўнг Искандар

кўзғолончиларни сахрогача қувиб, Политимет дарёси ҳосил қилган «бутун давлат ерларидан ўтган» (Ариан, IV, 6,5).

Басилейа ҳакидаги асосий манбалар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига тааллуқли. Шу даврда Суғдиёнанинг энг қадимги шаҳарлари Самарқанд билан Бухоро ҳисобланган. Ўрта асрларда улар турли сиёсий - ижтимоий жараёнлар билан боғланиб, айрим давлатларнинг марказлари бўлган (сомонийлар давридаги Бухоро, қорахонийлар ва темурийлар давридаги Самарқанд ёки сўнгги ўрта асрлардаги Бухоро). Шунинг учун Бухоро қадим замонларда ҳам Суғд пойтахти бўлган деб фараз қилинган. Бухоро ўрнида милоддан аввалги V—IV асрларда йирик шахар ривожлангани ҳақида хеч қандай маълумотлар йўқ. Археологик тадқиқотлар натижасида Бухоро воҳасида милоддан аввалги VI—IV асрларга оид бир неча кичик қишлоқ харобалари топилган.

Искандар даврида Бухоро ўрнида Суғд қалъаси, Баги жойлашган бўлиши мумкин. Баги, Арианнинг таъкидлашича, «Суғд ерлари ва скифлар, массагетлар юрти чегараларида жойлашган» (Ариан, IV, 17, 4). Бу фикр Қуий Зарафшон атрофидаги кўчманчилар жойлашган даштлар ва сахро бошланишини тасдиқдайди. Милоддан аввалги 328 йилда Спитаман сак-массагетлар билан шу юрга қочишга мажбур бўлган.

Эрон — Турун — Туркистон - ўлкамиз Евросиё жанубида жойлашиб, бир қатор адабиётларда Ўрта Осиё деб ёки ғарбий адабиётларда Марказий Осиё деб аталган. Бу кенг ҳудуд ғарб Каспий денгизи қирғоқларидан бошлаб шарқда Марказий Қозоғистон ва Хитойнинг чегара ерларига бориб тақалади. Ўрта Осиё ёки Марказий Осиё - бу умумий географии тушунча бўлиб, бир неча замонавий давлатлар ҳудуди билан боғланади. Қадимги ва ўрта асрлар манбаларида бу географик атамалар тилга олинмаган. «Авесто» бобларидан бошлаб юртимиз ерлари қадимги манбаларда турлича — Аренам Вайжо - Арёшайёна, Турун, Мовароуннаҳр, Туркистон каби номлар билан аталиб

келинган. Айрим ўлкалар - йирик тарихий-маданий вилоятлар Бактрия, Марғиёна, Суғдиёна, Хоразм, Уструшона, Чоч, Фарғона каби машхур номлар билан боғланган. Бу худуднинг географик маркази икки дарё оралиғи бўлиб (Амударё ва Сирдарё), унга араблар томонидан Мовароуннаҳр номи қўйилган. Европа тарихшунослари Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни «Трансоксиана» деб атаганлар. Бир қатор тарихий адабиётларда Суғдиёна, Бактрия ва Марғиёна ерлари (Марказий Осиёнинг жанубий вилоятлари) Шарқий Эрон деб аталади.

Марказий Осиё худудида яшаб ўтган қадимги халқлар йирик давлатларнинг айрим вилоятларида жойлашиб асрлар давомида узоқ тарихий тарақкиёт йўлини босиб ўтганлар.

Марказий Осиёда янги қабилаларнинг ёйилишя (ҳинд-эрон қабилалари) ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетишининг тархи милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида бошланади. Бу жараённинг иккинчи қадимги босқичи милоддан аввалги X—VIII асрларга оид бўлиб, арийларнинг тарқалиши даврига тўғри келади. Маълумки, улар хам ҳинд-эрон қабилаларининг вакиллари бўлган.

Янги қабилалар ва Марказий Осиё маҳаллий аҳолисининг аралashiб қўшилиши жараёни натижасида шу худудда яшаб ўтган сұғдийлар, хоразмликлар, бақтрликлар, марғиёналиклар ва сак-массагет халқларига асос солинади. Эроний қабилаларнинг бошқа бир катта гуруҳи ҳозирги Ғарбий Эрон ерларида ўрнашиб, қадимги форс халқи ва қадимги форс тилининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ёзма манбаларда (Ҳинд, Оссурия ва Эрон манбалари) айнан Эрон ерларида янги қабилаларнинг ёйилиши милоддан аввалги IX аср билан боғланади. Бу қабилалар «аръё» ва уларнинг ватани «Аръёнам» деб аталган. «Аръёнам» сўзидан «Эрон» номи келиб чиққан. Аммо, қадимги даврларга оид «Аръёнам» тушунчаси бошқа худуд билан боғлиқ бўлган (жумладан Марказий Осиё минтақасига кўпроқ тегишли бўлган. Элатлар

ва халқлар номларининг келиб чиқиши ва географик ҳамда қабила-этник сўзлари билан боғланган (дарё, тоғлар, жойлар, қабила-уруг). Мисол учун – қадимги юонон манбаларидаги, Персия, Форс давлати —бу Парс, Форс вилоятида яшаган форсларнинг номидир; -Хваризам, Хоразм— «хвар»,—«куёш», «зам, зем» тупроқ, ўлка сўзларидан, келиб чиқсан ва ҳоказо. «Эрон» ва «Турон» географик-тариҳий атамалари, «эронийлар» ва «туронликлар» тушунчалари араб ва форс тилида ёритилган адабиётларда айниқса кўп учрайди (жумладан, Фирдавсий, Беруний, Табарий, Саъдий, Наршахий ва бошқа муаллифларнинг асарлари). Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Турон ва Эрон сиёсий муносабатлари, подшолар фаолияти ва баҳодирлар курашлари ҳақида ажойиб ҳикоялар бор. Улар шу пайтда ўрта форс тилида ёритилган «Авесто» маълумотларига асосланган. Бу даврдан бошлаб «Турон» ва «туронлик-тушунчалари турли хил адабиётларда кенг ишлатилди. Аммо улардан анча қадимийроқ замонларга оид ёзувлар, Геродот, Ктесий, Ксенофонт ва македониялик Искандар даври сўнгти юонон тарихчиларининг асарларида «Турон» ва «туронликлар» ҳеч қандай маълумотлар йўқ.

«Турон» географик-тариҳий атамасининг келиб чиқиш тарихи «Авесто» билан узвий боғланади. «Авесто» Марказий Осиё халқларини икки йирик гурухга бўлиб, уларни диний қарашларига кўра бир-биридан ажратади. “Авесто”да улуғланган қабилалар, баҳодирлар ва подшолар Заратуштра тарафдорлари ҳисобланиб, улар шу пайғамбар таълимотини қабул қилганлар. Улар Марказий Осиёга тегишли Суғдиёна, Хоразм, Бақтрия, Марғиёна ерларида ҳамда Афғонистон ва Шарқий Эрондаги Ария, Арахозия, Дрангиана вилоятларида жойлашганлар.

Заратуштранинг таълимотини қабул қилмаганларни пайгамбар ўз юртидан қочишига мажбур қилган. «Авесто»да тилга олинган «тура», «дану» номли қабилалар бўлиб, улар зардуштийларнинг душманлари

сифатида - «ёвузлар», «девлар», «сохталар» ва «номард-аблахлар» деб аталган.

Заратуштранинг тарафдорлари ва душманлари дастлаб қариндошлари, чорвадор арий қабилалари, дехқончилик билан шуғулланувчи маҳаллий аҳоли вакиллари бўлган. «Авесто» да тилга олинган зардуштийлар ва «тура», «туронлик» вакилларнинг исмлари кўп вазиятларда «асп»—«от, отлик» сўзлари билан боғланади. Жумладан, Керсасп ва Хитасп, Виштасп ва Аржатасп. Пайғамбар Заратуштра отасининг исми ҳам Порушасп бўлган. Заратуштранинг исми—«туя эгаси» сўзларидан келиб чиққан бўлса, туронликларнинг номларида ҳам «етти юз туя эгаси» тушунчалари учрайди. Одатда, чорвачилик билан боғланган номлар ва исмлар кўчманчиларга тааллукди бўлиб, уларнинг турмуш тарзи, урф одатлари ва маданий анъаналаридан келиб чиққан. Шу маълумотларга кўра, Заратуштранинг аждодлари ва пайғамбарнинг ўзи ҳам бир пайтларда чорвадор халқларнинг вакили бўлган.

Ўрта асрлар адабиётларида Эрон ва Турон худудий чегаралари Амударё орқали белгиланади. Турли маҳаллий маълумотларда акс эттирилган ҳикояларда, подшолар маълумотларига кўра, Эрон ва Турон чегараларини белгилаш учун афсонавий мерган Ариш томонидан отилган ўқ кенг ўлка устидан парвоз қилиб, Табарийнинг ҳабарларига кўра, Амударёгача етиб келади, Берунийнинг айтишича, Тоҳаристон ва Фарғона оралирига, Саълибийга кўра, Амударё яқинидаги Гозбон номли ерларгача учиб келади. Демак, Амударё атрофлари ёки дарё ортидаги жойлар Эрон ва Турон чегаралари сифатида кўрсатилган.

Кадимги юонон тарихчилари Амударё ёки Сирдарё ўтрок дехқончилик маданиятига эга Бақтрия ҳамда Суғдиёна аҳолиси ва кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи сак-массагетларнинг худудий жойлашуви чегара сифатида ёритадилар. Олимлар фикрига кўра, «сак-мас-

сагетлар» тушунчаси — бу дастлабки даврга оид «тура» қабилаларнинг номидир.

«Турон», «туронликлар» юрти тушунчаси кенг худуд билан боғланган. Ўрта асрлар даври муаллифлари «Турон» географик тушунчасини турлича тасвирлайдилар. Баъзи тарихчи ва географларнинг айтишича, Турон — бу турклар, тур қабилаларнинг юрти деган маънони билдириб, кейинчалик «Туркистон» тушунчасига айланган. XVI—XVII асрларга қадар тарихий-географик адабиётларда Туркистон ўлка сифатида ноаниқ тасвирланган.

Махмуд ибн Валининг «Сирлар денгизи» номли асарида Туркистон хақида бундай хабар қилинади: «Туркистон— бу кенг ва кўнгилли юртдир, у кўп сонли шаҳарларни, чўлларни ва текисликларни ўз ичиға олади... Тарихчи Б. А. Аҳмедовнинг фикрига кўра, бу Шарқий Туркистон, Еттисув воҳаси ва Олтойдир. Демак, ўрта асрлар тушунчасига кўра, Туркистон Сайхун (Сирдарё)нинг шимолий қирғоқларидан бошланади.

Арёшайёна, Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон - географик чегаралари ҳозирги ҳудудий-маъмурий чегаралардан анча фарқ қилган. Мисол учун, Наутака вилояти замонавий олти туманинг ерларини ўз ичиғи олган (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Фузор, қисман Чироқчи), Суғдиёна — Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, қисман Навоий вилоятлари ерларида жойлашган. Қадимги Хоразм шу номдаги ҳозирги вилоятнинг чегараларидан анча кенг бўлган, Бактрия эса Ўзбекисон, Тожикистон ва Афғонистон тупроғида ривожланган.

Эрон тушунчаси 1935 йилдан бери Форс давлатиннинг расмий номи сифатида ишлатила бошлаган, аммо «Эрон»нинг тарихий мазмуни, ёзма манбаларга кўра, даставвал қадимги эроний қабилалар ва халқлар жойлашган ҳудудлар (уларнинг географик чегаралари шу номдаги ҳозирги давлат ҳудудидан анча кенг бўлган ва Ўрта Шарқнинг бир неча ўлкалари билан боғланган.

Турон ва Туркистон атамаларининг тарихий маъноси ҳам бошдан тарихий-географик тушунча бўлиб, кенг ҳудудларга тааллуқли бўлган.

Мамлакатларнинг ва халқларнинг номланишида ҳам қадимги тилларнинг ривожланишида даврий ўзгаришлар содир бўлган, аммо асрлар давомида маданий шакилланиб ва ҳудудий жойлашув, географик чегаралар кўп ҳолларда ҳудудий-сиёсий чегараларга мос келмаган.

## **П- БОБ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЮНОН МАНБАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

### **2.1. Қадимги Бақтрия тарихини ўрганишда Юон манбаларининг аҳамияти.**

Бақтрия - Ўрта Осиё халқларининг моддий ҳамда маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган худуд. Унинг сарҳадлари ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон худудларига тўғри келади.

Бақтрия худудида илк синфий муносабатларнинг вужудга келиши ва давлатчилик тарихи бўйича XIX аср сўнггида европа тарихчилари ўртасида мунозаралар бошланган. В. Гейгер<sup>1</sup>, Э. Райш<sup>2</sup>, Т. Нольдеке<sup>3</sup>, XX аср бошида Ж. Прашеклар<sup>4</sup> Бақтрия тарихи билан шуғулланиб, Аҳамонийлар империясига қадар ҳам қандайдир сиёсий бирлашмалар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар берган. Улар асосан қўйидаги антик давр тарихчиларининг ёзма манбаларига таянганлар.

Ктесей Книдский "Бақтрия кучли ва қудратли мамлакат, VIII асрдаёқ мустақил давлат бўлган" деб таърифлайди. Ктесей Книдскийнинг асарлари ўрта аср тарихчиси Фотийнинг асарида илова тариқасида бизгача етиб келган<sup>5</sup>.

Диодор ўз асарида Оссурия шоҳи Ниннинг Бақтрияга қарши жанг тафсилотларини ёзган. Асар бошида Ниннинг Семирамидага уйланиш тафсилотлари тасвирланган. Диодорнинг ёзишига қараганда Нин Бақтрияни мағлуб этиш оғирлигини, аҳолисининг қўп сонли эканлигини

<sup>1</sup> Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. Erlangen, 1982.V. 66; Geiger W. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times. – London, 1985. V. 45.

<sup>2</sup> Reisch E. Baktrionoi / Pauly's Real-Encyclopödie. T. II. 1896.

<sup>3</sup> Nildeke T. Iranisches Nationalepos, Grundriss der Iranische Philologie, II. 1896-1904.V.141.

<sup>4</sup> Prasek J.D. Geschichte der Meder und Perser. Bd. I. - Gotha, 1906. V. 50-54

<sup>5</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргiana // МИА, 1959 . - № 73.

ва жангда моҳирлигини, қалъаларининг кўплигини билган. Шунга қарамай у кўп сонли қўшин йигади ва биринчи жангда Бақтрия шоҳи Оксиартдан тоғ йўлдан текисликка чиқадиган жойда мағлубиятга учрайди. Нин Бақтрия билан бўладиган янги жангга тайёрланади<sup>6</sup>.

Диодор Бақтрия пойтахти Бақтр шаҳрини қуидагича таърифлайди, «... Бақтр йирик шаҳарлардан бири, у гўзал, эгаллаб бўлмас қалъа». Нин Бақтра шаҳрини узоқ вақт қамал қиласди. Шаҳар Семирамиданинг айёрги натижасида ишғол қилинади. Бақтрликлар мағлубиятга учрайди. Бақтрия шоҳи ўлдирилади. Нин Бақтриянинг олтин ва кумуш - бойликларини талайди.

Бу воқеаларни Помпей Трог<sup>7</sup>, Ариан<sup>8</sup> ва Ксенофондлар<sup>9</sup> ҳам ўз асарларида ёритган. Аммо, воқеалар тафсилотларида, шоҳларни таърифлашда айрим чалкашликлар бор. Ксенофонт ўз асарида Бақтрия ва Оссурия ўртасидаги уруш Оссурия шоҳи Киаксар замонида бўлган деб ёzáди.

Тадқиқотчилар ўртасида Оссурия билан Ўрта Осиё, хусусан Бақтрия оралиғидаги узоқ масофани ҳисобга олиб, юқоридаги маълумотларни тарих сахифасидан чиқариб ташлаш керак, деган мунозаралар ҳам учрайди. Маълумки, бу масалага И.М. Дьяконов ойдинлик киритган. Унинг изланишлари туфайли топилган Оссурия айгоқчиларининг ўз шоҳига ёзган номасидаги қуидаги маълумотдан сўнг антик давр тарихчилари маълумотлари ўз кучини сақлаб қолди: "... лекин мен лазуритни олиб кетганимдан сўнг, мамлакатда менга қарши қўзғолонлар бошланди, шундан сўнг мен катта ҳарбий куч юборишни илтимос

<sup>6</sup> Диодор. Историческая библиотека. Кн. 17. II , 2-7 / пер. М.Е. Сергеенко / Ариан. Поход Александра. М. - Л., 1962.

<sup>7</sup> Помпей Трог. ap. lust., I, 1,2.

<sup>8</sup> Ариан. Anab. VI, 24.

<sup>9</sup> Ксенофонт. Сур. I, 5, 2.

қилдим"<sup>10</sup>. Маълумки, Яқин Шарқда Бақтрия лазуритлари юқори баҳоланган. Шу тариқа тарих фанига Қадимги Бақтрия шоҳлиги тўғрисидаги маълумотлар кириб келди.

Геродот асарларидан ҳам Бақтрияниң Қадимги Шарқ халқлари орасида ўз ўрни бўлганлигини билиш мумкин. Жумладан, Кирнинг ҳарбий юришлари лозим бўлган мамлакатлар Вавилония ва Миср қаторида Бақтрия ва Саклар ҳам санаб ўтилади<sup>11</sup>. Бақтрияликларниң қуроласлаҳалари ва ҳарбий қўшинидаги тартиб ҳам Геродот эътиборидан четда қолмаган<sup>12</sup>. У бақтрияликлар яратган моддий маданият Ўрта Осиёда яшайдиган бошқа халқларга ўrnak бўлганлигини айтиб, арийлар, хорасмияликлар, сўғдийлар, гандарияликлар ва дадиклар қурол ясашда бақтрияликларга ўхшатиб ясаганлигини мисол қилиб кўрсатади<sup>13</sup>.

## **2.2. Қадимги хоразм тарихини ўрганишда Юнон манбаларининг ўрни.**

Юз йилдан ошдики, Хоразм давлатчилиги тарихи олимлар ўртасида қизғин мунозараларниң сабабчиси бўлиб келмоқда. Бу борада ёзма манбалар билан шуғулланувчи тарихчилар ва археологлар ўртасида илмий келишмовчиликлар ҳам мавжуд<sup>14</sup>. Бу бахслар асосида фанда «Қадимги Хоразм» ва «Катта Хоразм» терминлари пайдо бўлди. Афсуски, бу терминларни бир-биридан ажратса олмайдиган тадқиқотчилар ҳам борки, бу масалани янада чигаллаштирумокда<sup>15</sup>. Қўйилаётган масалага бир томонлама ёндашмаслик мақсадида Хоразм давлатчилиги тарихи бўйича

<sup>10</sup> Дъяконов И.М. Ассирио-вавилонские источники по истории Урарту // ВДИ. - М., - М., 1951. - . - № 2. - С. 335-336.

<sup>11</sup> Геродот. История в девяти книгах. I, 153. (пер. Г.А. Страновского). - Л., 1972.

<sup>12</sup> Геродот. История в девяти книгах. VII, 64. (пер. Г.А. Страновского). - Л., 1972.

<sup>13</sup> Ўша жойда. VII, 66.

<sup>14</sup> Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. Ашхабад, 1983.

<sup>15</sup> Асқаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига багишланган халкаро илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2004. 76-84 бетлар.

тадқиқотчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини тўлиқроқ беришни лозим кўрдик.

Маълумки, Геродот ўзининг "Тарих" китобининг учинчи қисмида Ак(ес) дарёси ва бу дарёга қурилган тўғон тўғрисида маълумот беради<sup>16</sup>. Бу маълумотга кўра Акес дарёси Гиркания, Парфия, Тамания, Дрангиана ва Хорасмияликлар чегарасида жойлашган. Шу маълумотларни асос қилиб В.В. Бартольд Қадимги Хоразм давлати бўлганлиги тўғрисида ёзган эди<sup>17</sup>.

Жуда кўплаб тадқиқотчилар Акес дарёсини ҳозирги Туркманистон худудидаги Тежен дарёси билан қиёслайдилар<sup>18</sup>. С.П. Толстов эса Акес дарёсини ҳозирги Хоразм худудида бўлган деб ҳисоблади<sup>19</sup>.

Геродотнинг шу хабари асосида немис ориенталист олими И. Маркварт «Катта Хоразм» давлати ғоясини ишлаб чиқкан. Унинг ғоясига кўра, арийларни, марғиёналикларни ҳамда Геродот таърифлаган Акес дарёси билан чегарадош мамлакатларни хорасмияликлар бошқарган. Бу сиёсий бирлашма Ўрта Осиё халқлари Аҳамонийлар империяси таркибиغا киргандан сўнг емирилиб кетган, деган фикр И. Маркварт ғоясининг асосини ташкил этади. И. Марквартнинг «Катта Хоразм» давлати ғояси Геродот асарида тилга олинган, Ўрта Осиёда жойлашган тарихий ва географик терминларни локализация қилиш натижасида туғилган<sup>20</sup>. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу ғоя Совет тарихчилари учун манба бўлиб хизмат қилди<sup>21</sup>.

---

<sup>16</sup> Геродот, III.17.

<sup>17</sup> Бартольд В.В. Иран. Ташкент, 1926. - С. 17.

<sup>18</sup> Markwart J. Wehrot und Arang. Leiden, 1938, №.10-12; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959 . - № 73.

<sup>19</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С. 341.

<sup>20</sup> Markwart J. Кўрсатилган асар.

<sup>21</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948; Дьяконов И.М. Истории Мидии. - М., Л., 1956; Дьяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М., 1961;

Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959 . - № 73; Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. Ашхабад, 1983.

Геродот маълумотларини Ўрта Осиёнинг реал қадимги тарихий географияси билан боғлаш учун И.М. Дьяконов шундай ёзади: «гирканияликлар парфияликлар билан битта қабила - иттифоққа кирган»<sup>22</sup>.

М.М. Дьяконов эса "Акес дарёсидан хорасмияликлар, парфияликлар, гирканлар, арийлар ва бошқа қўшни вилоятлар бирга фойдаланганлиги қандайдир қабилалар иттифоқи ёки илк давлатлар бирлашмаси тўғрисидаги фикрни беради" деган ғояни илгари сурган<sup>23</sup>.

В.В. Струве эса Хоразм давлатчилиги тўғрисида шундай ёзади: «...ёзма манбалар бўйича гапирадиган бўлсак, мил.ав. VI асрда Ўрта Осиёда энг камида иккита сиёсий бирлашма, яна ҳам аниқроғи, давлатлар бўлган. Булар Амударёнинг қуи оқимидағи Хоразм, юқори оқимидағи Бақтрия давлатларидир. Уларнинг маданий ва сиёсий таъсир доираси анча кенг бўлган. Хоразм Копетдоғ этаклари ва Тежен ўлкасини, мумкинки Сўғдиёнани ҳам бирлаштирган бўлса, Бақтрия ўз ҳудудидан ташқари Мурғоб ўлкаларини ҳам ўз ичига олган»<sup>24</sup>.

Археологлар И. Маркварт ғоясига танқидий кўз билан қарайдилар. Жумладан, В.М. Массон фикрича "... археологлар шу кунгача Хоразм ҳудудида жойлашган VIII-VII асрларга, ҳеч бўлмаса VI асрга оид йирик ёдгорликни билишмайди. Бу шундай хulosани берадики, Аҳамонийлар давригача Хоразмда йирик давлат бирлашмаси бўлганлиги археологик жиҳатдан исботланмайди. Олиб борилган узоқ ва кенг археологик дала тадқиқотлари Хоразмда бундай давлат бўлганлиги тўғрисидаги ғояни кун тартибидан ҳозирча чиқаради"<sup>25</sup>.

И. Маркварт ғояларининг археологик жиҳатдан тасдиқланмаётганини кўрган В.Б. Хеннинг ва И. Гершевичлар устозининг фикрини бир оз ўзгартирган ҳолда қўллаб-қувватлайдилар. В.Б. Хеннинг

<sup>22</sup> Дьяконов И.М. Истории Мидии. - М., Л., 1956. - С. 357-358.

<sup>23</sup> Дьяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М., 1961. - С. 64.

<sup>24</sup> Струве В.В. Древний Иран и Средняя Азия / Всемирная история. Т. 1. - М., 1955. - С. 590.

<sup>25</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959. Вып. 73. - С. 127.

устози И. Маркварт каби арийларининг ватани Аръянэм-Вайджони Хоразм билан боғлайди. Аръянэм-Вайджони кенг ҳудудда кўришни истайди ҳамда Тежен ва Мурғобни ҳам Хоразм ҳудудига киритади. «Авеста»нинг ватани Хоразм эмас, балки Тежен ва Мурғобдир деб таърифлайди<sup>26</sup>.

И. Гершевич эса Аҳамонийларгача бўлган «Катта Хоразм» сиёсий уюшмасини Хоразм ҳудудида эмас, балки Тежен ва Мурғобдадир деб атайди<sup>27</sup>. У Тежен ва Мурғобдаги ўтроқ, ривожланган деҳқончилик маданиятининг Хоразмдан анча қадимийлигини ўз назариясининг асоси қилиб олади.

В.М. Массоннинг "...нега унда бу бирлашмани Хоразм деб аташ керак?" деган саволи тарих фанида узоқ вақт очик турди<sup>28</sup>. Бугунги қунга келиб аниқ ишонч билан айтишимиз мумкинки, бу сиёсий бирлашмада хоразмликлар етакчилик қилган ва шунинг учун ҳам бу бирлашма фанда Катта Хоразм деб аталмоқда<sup>29</sup>.

И.Н. Хлопин ҳам Катта Хоразм давлатининг бўлганлигига шубҳа билан қараб, тарихий ва археологик манбаларни қайта кўриб чиқди<sup>30</sup>. Манбаларга Гекатей маълумотларини ҳам қўйди<sup>31</sup>. Маълумки, Гекатей маълумотларига кўра, хоразмликлар парфияликлардан шарқда истиқомат қилишган. Шундан келиб чиқиб, хоразмликларнинг аждодлари қачонлардир Тежен ва Мурғобда яшаган, кейин шимолга Қорақум орқали Амударё бўйларини ўзлаштирган деб ўйлаш мумкин. Хоразмликларнинг Тежен ва Мурғобда яшаши ва кўчиши воқеаси Гекатей асарида, Акес дарёси Геродот асарларида ифодаланган. Лекин, бу археологик жиҳатдан исботланмайди, яъни уларнинг аждодлари Тежен ва Мурғобда яшаганлиги

<sup>26</sup> Henning W.B. Zoroaster: Politician or Witch-doctor? Leiden, 1951, D.43.

<sup>27</sup> Gershevitch I. The Avestan Hymn to Mithra. Cambridge, 1959, P.298-299.

<sup>28</sup> Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес. Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. - М., 1967. - С. 173.

<sup>29</sup> Асқаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига багишланган ҳалқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2004. 76-84 бетлар.

<sup>30</sup> Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. - Ашхабад, 1983.

<sup>31</sup> Пьянков И.В. Сведения Ктесия о владениях Бардии на востоке Ирана // ВДИ. - М., 1961 №4. - С. 100.

ва шимолга кўчганлигини археология инкор қилади<sup>32</sup>, деган хато фикрга келади. Фикримизча И.Н. Хлопин ёзма манбалардан яхши фойдаланган ва уларда ифодаланган тарихий воқеаларни жонлантириб, географик номларни тўғри жойлаштиради. Аммо, Қадимги Хоразмликларнинг шимолга кўчганлигини археология инкор қилади деб хато хulosа қилади. Негаки, VI асрда Амударё делтасида Кўзаликир, Қалъалиқир каби ёдгорликларнинг пайдо бўлиши буни исботлайди.

В.А. Лившиц "История таджикского народа" асарига ёзган бобида «Катта Хоразм» давлати ғояси тўғрисида ўз фикрини ифодалаган. У ҳам Геродотнинг Акес дарёси тўғрисидаги маълумотини Тежен-Герируд деб қабул қилади. Хоразмликлар эр. ав. VII-VI асрларда кенг ҳудудни эгаллаган ва ҳозирги Хоразмдан анча кенг жойларни назорат қилган деган фикрда асос бор. Гекатейнинг Хоразмликлар Парфиядан шарқда жойлашган деган маълумотини Хоразмликлар ўша ерда ҳам гегемонлик қилган деб тушунмоқ лозим. Аҳамонийларгача бўлган "Катта Хоразм"да қабилаларнинг ҳарбий-демократик конфедерацияси бўлган, давлат бирлашмалари пайдо бўлаётган давр деб баҳо беради. Марв ва Хирот бу конфедерациянинг асосий марказлари бўлган. Хорасмияликлар бошлигидаги конфедерациянинг Аҳамонийлар давригача бўлган Ўрта Осиёнинг сиёсий тарихида ўрни катта бўлган<sup>33</sup>.

Ўрта Осиё халқлари тарихи бўйича энг қадимги ёзма манба бўлган "Авеста"да Ахурамазда барпо қилган мамлакатлар қаторида, яъни Мауру, Бахди, Нисайя мамлакатларидан сўнг Харойу (Хоразм) ҳам тилга олинади<sup>34</sup>.

Демак, ёзма манбаларнинг таҳлили Аҳамонийлар империясига қадар Қадимги Хоразм давлатчилиги бўлганлигини тасдиқлайди. Эслатиб ўтганимиздек, кўплаб тарихчилар ҳам шу фикрга келишган.

<sup>32</sup> Хлопин И.Н. Историческая география ... – С. 32-44.

<sup>33</sup> Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования. // ИТН. – Душанбе, 1963. - С. 152-153.

<sup>34</sup> «Авесто». Видевдат. V, 8.

Қуи Амударё ва Орол бўйларида олиб борилган ва олиб борилаётган археологик тадқиқотларнинг сўнгги илмий хуласалари қандай? Шу борада археологик таҳлил қиласак.

Маълумки сўнгги бронза даврида (мил.ав. II минг йиллик) Евроосиё минтақаларига хос бўлган андроново маданияти Қуи Амударё бўйларида ҳам тарқалган. Бу маданият соҳиблари чорвадор халқлардан иборат бўлиб, хозирги Қозоғистон ва Сибирь чўл ва ўрмонзорларида истиқомат қилишган. Қуи Амударё бўйларига келиб ўрнашган халқ қолдирган моддий маданият археология фанида тозабоғёб маданияти деб юритилади. Бу маданият Андроново моддий бирлигининг бир кўриниши бўлиб, мил.ав. II минг йиллик охири ва I минг йиллик бошида Оқчадарё ҳавзасида ўтроқлашади. Дехқончилик маданияти пайдо бўлади. М.А. Итина тозабоғёб маданияти аҳолисининг дехқончиликка ўтишини жанубнинг таъсири деб баҳолайди<sup>35</sup>, жамоани бошқаришда матриархат, яъни она уруғи жамоаси бўлганлигини ёқлаб чиққан<sup>36</sup>.

Мил.ав. VIII-VII асрларда Қадимги Хоразм воҳасида амиробод ва қуйисой маданиятлари тарқалган. Бу маданиятлар моддий манбаларида ҳам ривожланган жанубий вилоятларнинг таъсири сезиларли даражада кузатилган. Лекин бу маданиятларни юқори ривожланган ёки синфий жамиятга эришган дейиш қийин.

Бизга маълумки, ўз вақтида С.П. Толстов ирригация шохобчалари асосида Қадимги Хоразм давлати назариясини ишлаб чиққан эди<sup>37</sup>. Бу назария ҳам археологик жиҳатдан исботланмаган<sup>38</sup>. Негаки, Хоразм худудидаги қадимги каналлар воҳадаги Кўзалиқир ёдгорлиги асосида мил.ав. VI-V асрларда пайдо бўлганлиги кузатилмоқда. Юқорида келтириб

<sup>35</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. // ТХАЭЭ. Т. X. - М., 1977; Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств (На примере Средней Азии). // От доклассовых обществ к раннеклассовым. - М.: Наука, 1987. - С. 93.

<sup>36</sup> Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья ... С. 217.

<sup>37</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М.: 1948. - С. 341.

<sup>38</sup> Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес. // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. - М., 1967. - С. 175.

ўтилган археологик маълумотларга таяниб В.М. Массон "Аҳамонийлар давригача Хоразмда буюк давлат бўлган" деган назарияни қўллаб-кувватламайди<sup>39</sup>.

Амударё ва Зарафшон бўйлари ирригация тарихи бўйича Я.Ф. Фуломов ва А.Р. Муҳаммаджоновларнинг изланишлари суғориш иншоотлари қурилиши ва давлатчилик ўртасидаги муносабатлар характеристини очиб берди<sup>40</sup>.

Хоразм воҳаси мисолида қадимги давлатларнинг пайдо бўлишида ирригациянинг ўрни мавзусидаги Б.В. Андриановнинг изланишлари диққатга сазовор<sup>41</sup>. У Роберт Мак-Адамс<sup>42</sup> ва Карл Витфогел<sup>43</sup> назарияларига қарши бориб, каналларнинг қадимги дехқончилик цивилизацияларининг пайдо бўлишидаги ўрни, жамиятдаги ижтимоий дифференция натижасида катта каналларнинг қазилиши сабабларини кўрсатиб берди. Унинг асосий ғояси Хоразмдаги суғориш иншоотларининг энг гуллаган даври, бу ерда давлатчиликнинг сиёсий марказлашган даврига тўғри келади. Бу каналларни қазиш, тозалаш ишларида кўплаб қуллар меҳнатидан фойдаланилган, меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши билан бирга қулдорчиликка асосланган ишлаб чиқариш шакли пайдо бўлган деган фикрга келганлигидир<sup>44</sup>. Ю.М. Кабишанов, Ю.А. Заднепровский, В.В. Сидоровлар Б.В. Андрианов фикрига қарши бориб, Тигр, Евфрат, Қадимги Мисрдаги каби эркин жамоа аъзолари иштирокида Хоразм каналлари қазилган, шунча катта меҳнат кучини ташкил этиш учун қаттиққўл бошқарув тизими, ўша қулларни

<sup>39</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. // МИА, 1959. - № 73. - С. 127.

<sup>40</sup> Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. - Ташкент, Фан, 1957; Муҳаммаджонов А.Р. Қўйи Зарабшон водийсининг суғорилиш тарихи. Тошкент, Фан, 1972.

<sup>41</sup> Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств (На примере Средней Азии) // От доклассовых обществ к раннеклассовым. - М.: Наука, 1987.

<sup>42</sup> Adams R.Mc. History patterns of Mesopotamian irrigation agriculture. // Irrigation's impact on Society. - Tucson, 1974.

<sup>43</sup> Wittfogel K. Oriental despotism // A Comparative Study of Total Power. - New Haven, 1957.

<sup>44</sup> Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств ... – С. 75-78.

эзіб, ушлаб туралын давлат йўқ эди, деган фикрни илгари суришган<sup>45</sup>. Б.В. Андрианов эса Хоразмда ўша катта каналлар қазилған вақтда давлатчилик бўлган, деган фикрда қолган<sup>46</sup>.

Москва Этнография институтининг Хоразм археологик экспедицияси Орол, Сирдарё ва Амударёнинг қуи қисмида, қадимги қуруқ ўзанлар бўйларида археологик изланишлар олиб бориб Тагискен, Уйгурак, Чирикрабод, Қуйисой, Кўзалиқир ёдгорликларида илк кўчманчи сак қабилаларининг ҳаётига оид манбаларни ўргандилар<sup>47</sup>. Тагискен ва Уйгурак ёдгорликлари моддий маданиятида Қозоғистон ҳудудлари учун характерли бўлган Сак қабилаларига хос манбалар ўрганилган<sup>48</sup>.

Мил.ав. VII-VI асрларда Хоразм ҳудудида тарқалған қуйисой маданияти этник жараёнларнинг шаклланиши борасида тарих фани учун янги маълумотлар берди<sup>49</sup>. Б.И. Вайнбергнинг фикрига қараганда Қуйисойликлар Эрон тилли чорвадор қабилалар бўлиб, мил.ав. VII асрда Эроннинг шимолий чегараларида яшаган ва сўнгроқ Хоразмга кўчган<sup>50</sup>. М.А. Итина бу фикрга қарши чиқиб, жанубнинг таъсирини инкор қилмаган ҳолда, қуйисой маданияти маҳаллий халқ маданиятига тегишли, деган ғояни илгари суради<sup>51</sup>.

Ўрта Осиё ҳудудларида андроново ва сакларнинг генетик бирлиги хусусида антропологлар<sup>52</sup> ва археологлар<sup>53</sup> ўз фикрларини билдиришган.

<sup>45</sup> Гуляев В.И., Гусаков М.Г. Всесоюзная научная конференция «Причины перехода от классовых к раннеклассовым обществам». Москва, 1984 // СА. 1986. - № 1.

<sup>46</sup> Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств... – С. 78.

<sup>47</sup> Итина М.А. Хорезмская экспедиция - основные итоги и перспективы исследований. // Культура и искусство древнего Хорезма. - М., 1981. - С. 9.

<sup>48</sup> Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М., 1996

<sup>49</sup> Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры. // Кочевники на границах Хорезма. ТХАЭ. Т. IX. - М., 1979; Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. - М., 1979. - С. 38-42.

<sup>50</sup> Вайнберг Б.И. Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство древнего Хорезма. - М., 1981. - С. 128; Вайнберг Б.И. Памятники скотоводческих племен в левобережном Хорезме // Археология СССР. Степи Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. - М., 1992. - С. 117.

<sup>51</sup> Итина М.А. Охранные археологические работы в Хорезме: итоги и перспективы // СЭ. - №1. - С. 53.

<sup>52</sup> Гинзбург В.В. Материалы к антропологии гуннов и саков // СЭ. 1946. - № 4. - С. 210; Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропогенетических типов на территории Средней Азии (неолит - нач. XX в.) // СЭ. - М., 1983 - № 3. - С. 101.

Тарихий шароитларга қараб андроново маданиятининг мил.ав. VIII асргача яшаб келганлиги Жанубий Урал ва Қозогистонда ҳам кузатилган<sup>54</sup>. Шу ерда яна бир масалага ойдинлик киритиб ўтишни лозим деб ўйлаймиз. Яъни, айрим худудларда андроново ва сакларнинг моддий маданиятида ўхшашлик сезилмаса, тагискен маданияти билан дандибой-бегази ёки карасук маданиятлари ўртасида майитни кўмиш ва сополлар ўртасида ўхшашликлар кузатилган<sup>55</sup>. Бу ҳолат Хоразм сакларининг (массагетларнинг) ерли маданият соҳиблари эканлигини тасдиқлайди. Улар ўтрок жануб халқлари билан доимий маданий алоқада бўлишган. Орол бўйларида яшаган сак қабилалари моддий маданиятида жануб сополларининг учраши А.С. Сагдуллаев мақолаларида ҳам ёритилган<sup>56</sup>.

Яқинда академик А.А. Асқаровнинг Қадимги Хоразм тарихига бағишлиланган, фанда мавжуд бўлган «Қадимги Хоразм» ва «Катта Хоразм» муаммоларига бағишлиланган мақоласи эълон қилинди<sup>57</sup>. Мақолада мавжуд ёзма ва археологик манбалар асосида Хоразм тарихининг муаммоли масалалари бўйича тарихчилар ва археологлар ўртасидаги давом этиб келаётган мунозараларга ойдинлик киритилди деб ҳисоблаймиз. Скилак - Гекатей - Геродот, «Авеста» маълумотлари асосида хорасмияликлар Бақтриядан жанубда, Ареядан шарқда, Герируд ва Хилменд дарёларининг юқори ҳавзасида, яъни ҳозирги Хирот водийсида яшаганлигини ишончли манбалар асосида исботлаб берилди. Аҳамоний шоҳларининг Хелменд тоғ дараларига тўғонлар қурганлиги, сув эвазига катта божлар талаб

<sup>53</sup> Кузьмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. - М., 1980. № 6. – С. ; Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников андроновской культурной общности. // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып.9. - М., 1985. - С. 43.

<sup>54</sup> Черников С.С. Роль Андроновской культуры в истории Средней Азии и Казахстана. // КСИА, 1957, XXXVI.

<sup>55</sup> Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М., 1996. - С. 70-71.

<sup>56</sup> Сагдуллаев А.С. Проблемы инноваций в Среднеазиатских комплексах эпохи раннего железа. // Преемственность и инновация в развитии древних культур. - Л., 1981. - С. 111-112.

<sup>57</sup> Асқаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. // Ўзбекистон этнографияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишлиланган халкаро илмий анжуман материаллари. - Тошкент, 2004. – Б. 76-84.

қилганлиги, бу тайзиқлардан қийналган хорасмийларнинг Хирот водийсидан ҳозирги Хоразм ҳудудига - массагетлар юртига кўчиши ёзма манбалар асосида, у ерда юқори ривожланган дехқончилик маданиятига, Кўзалиқир, Қалалиқир каби илк шаҳарлар, қалъаларга асос солинганлиги археологик манбалар асосида исботланди.

Келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилсак бўладики, мил.ав. VII-V асрларга келиб Қуи Амударё ва Орол бўйларида икки маданиятнинг шаклланиш жараёни кечган. Биринчи маданият дандибой-бегази (карасук), тагисken маданиятлари асосида Сак-Массагет кўчманчи қабилалари маданияти шаклланган бўлса, Хирот водийсидан хорасмияликларнинг бу ерга кўчиб келиши натижасида қадимги хоразм маданиятига асос солинган. Хирот водийсидан кўчиб келган хорасмийлар сунъий сугоришга асосланган дехқончилиқда, монументал иншоотлар қуриш, хунармандчиликнинг барча соҳаларида бой тажрибага эга бўлиб, А.А. Аскаровнинг фикрича «Хоразм воҳасининг қирларида Кўзалиқир, Қалалиқир, текисликларида Қўйқирилган қалъа, Жонбос қалъа каби маҳобатли иншоотлар, канал ва ариқлар асосида ривож топган сугорма дехқончилик маданияти шаклланди ва юрт мана шу маданият соҳиблари номи билан аталадиган бўлди»<sup>58</sup>.

### **2.3. Қадимги Сўғд тарихининг ўрганишда Юнон манбаларининг ўрни.**

Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини бирлаштирувчи Қадимги Сўғд ҳудудида илк давлатларнинг шаклланиш тарихи масаласи жуда кам ўрганилган. Ваҳоланки, у Авестада Ахурамазда бунёд этган иккинчи мамлакат сифатида тилга олинган: Гава сўғдийлар истиқомат қиласидиган

<sup>58</sup> Аскаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар ... – Б. 82.

юрт. Асосий дарёси Дарджи<sup>59</sup>. И.В. Пьянков "Дарджи" дарёсини ҳозирги Дарғом билан боғлайды<sup>60</sup>.

Бошқа ёзма маълумотлар асосида ҳам Сўғд давлатчилиги бўйича жўяли маълумотларни топишимиз қийин. Геродот маълумотларига кўра Аҳамонийлар империясининг XVI сатраплигига Парфия, Хоразм, Арийлар билан бирга Сўғд ҳам кирган<sup>61</sup>. Маълумки, Сўғднинг XVI сатрап таркибиға кирганлиги тадқиқотчиларда шубҳа уйғотган<sup>62</sup>. Бу ҳолатга И.М. Дьяконов анча ойдинлик киритиб, бир киши подшоҳлик қилган ҳудуд битта сатрапликка кирган, Дорийнинг отаси Гистасп бир вақтда Парфия ва Гирканиянинг сатрапи бўлган, Дорий "шоҳлар шоҳи" бўлганидан сўнг Арийлар, Хоразм ва Сўғд Гистаспга берилган бўлиши мумкин, деган фикрни билдирган<sup>63</sup>.

Александр Македонский юришларини ёритган юонон тарихчилари Квинт Курций Руф ва Арриан асарларида Мароқанд воқеликлари ёдга олинади. Биз учун энг қимматли бўлган маълумот Александр Македонскийнинг мил.ав. 328-327 йиллардаги Мароқанд-Балх юришидир. Маълумки, юонон тарихчиларининг маълумотларига кўра Александр Македонский Мароқанддан чиқиб Ксениппа ва Наутакага боради. Наутакада қишини ўтказиб, Габаза, Паретайка ва Бубакена орқали Балхгача борган<sup>64</sup>. Ксениппа ва Наутака Сўғд ҳудудлари, аниқроғи Қарши ва

---

<sup>59</sup> «Авесто» Видевдат, I,4.

<sup>60</sup> Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ. - М., 1996 №3. - С. 3-23.

<sup>61</sup> Геродот, III, 117.

<sup>62</sup> Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму Дарьи с древнейших времен до XVII века. ИТОРГО, т. IV. Вып. II. Ташкент, 1902. - С. 6-7.

<sup>63</sup> Дьяконов И.М. Истории Мидии. - М., Л., 1956.

<sup>64</sup> Арриан. Поход Александра. (Пер. М.Е. Сергеенко). М.-Л., 1962; Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. (Под. ред. В.С. Соколова, М., 1963).

Шахрисабз воҳалари деб локализация қилинган<sup>65</sup>. Габаза, Паретайка ва Бубакена эса Бақтрия вилоятлари сифатида талқин қилинади<sup>66</sup>.

Археологик тадқиқотлар натижасига кўра, Сўғд худудида илк синфий муносабатлар ва унинг давлатчилиги тарихи ойдинлашмоқда. Сўғднинг ажралмас қисми бўлган Панжикентдан Саразм ёдгорлигининг топилиши Сўғд давлатчилиги асоси бўлган жамоаларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини кузатиш имкониятини берди. А. Исҳоқовнинг маълумотларига кўра энеолит даврида Саразм аҳолиси уруғ жамоа бўлиб, бронза даврида эса қишлоқ жамоа шаклида ҳаёт кечиришган<sup>67</sup>.

Илк бронза даврига оид Замонбобо ёдгорлиги манбалари асосида Е.Е. Кузьмина Замонбобо жамоаси учун она уруғи, яъни матриархат формаси хослигини кўрсатиб берган<sup>68</sup>. Шундан сўнг кўплаб тадқиқотчилар бутун андроново маданияти жамоалари учун матреархат формаси характерли эканлигини таъкидлашган<sup>69</sup>. Бизнинг фикримизча, замонбобо маданиятида матриархат тузуми бўлган бўлиши мумкин, лекин бу ҳолатни андроново маданияти учун қўллаш тарихий методологик жиҳатдан тўғри бўлмаса керак, чунки юқори ривожланган фортификацияга эга бўлган Синташта ва Аркаим ёдгорликларининг топилиши, андроноволикларнинг отдан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтиши минтақалараро алоқаларнинг ўрнатилишига йўл очган. Бу ҳолатларда жамоада эркакларнинг ўрни баланд бўлганлигидан далолат беради.

<sup>65</sup> Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака / Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. - Л., 1981; Сулейманов Р.Х. Древности Нахшаба. Ташкент, «Фан» 2000.

<sup>66</sup> Ртвеладзе Э.В. Кўрсатилган асар; Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о локализации Паретака, Бубакена и Габаза. Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и средневековье. Тез. докл. международного семинара ЮНЕСКО. Ташкент, «Фан», 1990.

<sup>67</sup> Исаков А.И. Саразм. Душанбе, 1991.

<sup>68</sup> Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскаров А.А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966; Кузьмина Е.Е. Могильник Замон-баба. // СЭ, 1958 . - № 2. - С. 31; Кузьмина Е.Е. Некоторые спорные вопросы истории первобытной культуры в низовьях Зарафшана. СА., 1968, . - № 2. - С. 309.

<sup>69</sup> Хазанов А.М. Материнский род у Сарматов. ВДИ. - М., 1970, №2. - С. 147-148; Хлобыстина М.Д. Вопросы изучения структуры Андроновских общин «алакульского типа»// СА. - М., 1975 №4. - С. 26-34; Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. ТХАЭ, Т. X. - М., 1977. - С. 217.

А.С. Сагдуллаевнинг Шахрисабз ва Яккабоғ ҳудудларида илк темир даври ёдгорликларида (Даратепа, Узунқир, Сангир тепа I) олиб борган тадқиқотларида Жанубий Сўғдда шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва илк давлатчилик формаларининг шаклланиш жараёнлари кузатилди<sup>70</sup>. Бу борада Р.Х. Сулаймоновнинг Қарши воҳасида (Ёрқўргон), М.Х. Исомиддиновнинг Челак туманида (Кўктепа) олиб бораётган археологик изланишлари дикқатга сазавор<sup>71</sup>. Эслатиб ўтилган ёдгорликларда илк шаҳарларнинг арк ва шаҳристон қисмлари таркиб топган. Бу шаҳарлар эгаллаб турган ҳудудларнинг нафақат иқтисодий ва маданий, балки сиёсий ва мафкуравий марказлари ҳам бўлганлигини тадқиқчилар таъкидлашмоқда.

Сўғд давлатчилиги тарихида Афросиёбнинг алоҳида ўрни бор. У жуда кўплаб ёзма манбаларда қайд этилган. Кўрсатиб ўтилган илк темир даври Сўғд шаҳарлари воҳа-давлатлар марказлари ролини бажарган бўлса, Афросиёб ёдгорлиги ҳам ўзининг илк даврида воҳа-давлат, сўнг эса бутун Сўғд мамлакатининг пойтахти вазифасини бажарган<sup>72</sup>.

Маълумки, илк синфий жамият икки хил йўл билан пайдо бўлади<sup>73</sup>. Биринчи йўл, иқтисоди ва маданияти юқори ривожланган жамоаларда тараққиётнинг маълум бир босқичида давлатчиликнинг янги ўчоги шаклланса, иккинчи йўл, ибтидоий даражада яшаётган жамоаларни ривожланган бошқа бир жамоа томонидан босиб олиниши ва бу ерда давлатчиликнинг ташкил этилиши натижасида янги давлат бунёд этилади. Сўғд ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши мазкур умумий

<sup>70</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. ... док. ист. наук. - М., 1989; Лушпенко О.Н. Раннержелезный век Южного Согда. (По материалам памятников Китабского и Яккабагского районов). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Самарканд, 1998.

<sup>71</sup> Исамиддинов М.Х. Генезис городской культуры Самаркандинского Согда (Проблемы взаимодействия культурных традиций в периоды раннержелезного века и античности). Автореф. дисс. ... д.и.н. Самарканд, 2000; Сулейманов Р.Х. Древности Нахшаба. Ташкент, «Фан» 2000.

<sup>72</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандинского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннержелезного века и в период античности). Ташкент, 2002.

<sup>73</sup> Jacobsen Th. Primitive Democracy in Ancient Mesopotamia. JNES, II, 1943, '3. P.159; Jacobsen Th. Early Political Development in Mesopotamia. ZA, NF, 18, 1957, P.104.

моделнинг биринчисига тўғри келади. Шу билан бирга бу ерда илк давлатчилик қўшни халқларнинг маданий таъсирида ҳам ривож топганлиги кузатилади.

Сўғд ўзининг географик жойлашувига кўра маданиятларнинг ўзаро қоришуви кечган минтақадир. Сўнгги бронза даврига оид Зарчахалифа, Жом қишлоқларидан олинган археологик маълумотлар, яни бир ёдгорликдан, хаттоки, бир қабрдан турли маданиятларга - шимолий ҳудудларга хос бўлган кўчманчи андроново, жанубий ўтрок сополли маданиятларига хос бўлган моддий маданият намуналарининг топилиши маданиятлар синтези жараёнини кўрсатади<sup>74</sup>. Жомдан топилган бронзадан ясалган ойна бу жараённи кўрсатувчи ашёвий далил сифатида хизмат қиласи. Ойна ясалиши ва шакли бўйича сополли маданияти ойналарига, ундаги чизилган безаклар эса кўчманчи чорвадор маданиятларга хослиги кузатилади<sup>75</sup>.

Бу жараён илк темир даврида ҳам давом этади. Чирокчи қишлоғи ёдгорлигидан дашт қабилаларига хос ашёвий далилларнинг топилиши, Тўрткўлтепа ёдгорлигидан сўнгги чуст ва қадимги бақтрия маданиятлари кулолчилиги намуналарининг аралаш учраши Сўғд ҳудуди бронза ва илк темир давриларида доимий равишда маданиятлар қоришуви кечган ҳудуд эканлигини кўрсатади<sup>76</sup>.

Шахрисабз ва Қарши ҳудудларидаги илк темир даври харобалари (Даратепа, Узунқир Сангиртепа, Еркўргон) Бақтрияning маданий таъсирида вужудга келган. Бу ерда илк шаҳар маданиятининг шаклланиши ва илк давлатчилик формаларининг пайдо бўлиш жараёнлари кузатилган<sup>77</sup>.

<sup>74</sup> Avanesova N, Šajdullaev Š, Ėrkulov A. Dzam - ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana. AMIT. Band 33. Berlin, 2001.

<sup>75</sup> Avanesova, Šajdullaev, Ėrkulov. Кўрсатилган асар. З расм.

<sup>76</sup> Дуке Х.И. Чиракчинское поселение. ИМКУ. Вып.17, Ташкент, «ФАН», 1982. - С. 19-29; Раимкулов А. А, Исамиддинов М. Х. Турткултепа - новый памятник эпохи финальной бронзы в Южном Согде. Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, «ФАН», 1990. - С. 30-37.

<sup>77</sup> Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. ... док. ист. наук. - М., 1989; Лушпенко О.Н.

Марказий Сўғд ҳудудларида илк шаҳар ва давлатчиликнинг пайдо бўлишида Кўктепа ёдгорлиги алоҳида ўрин тутади<sup>78</sup>. У Қадимги Шарқ илк шаҳарларига монанд арк ва шаҳар қисмлардан иборат. Уни бошқаришда зардуштий оташпаратларининг роли катта бўлган. Бу шаҳар ўз атрофларидаги ҳудудларнинг нафақат маданий, балки сиёсий маркази ҳам ҳисобланган.

Бронза даврида Сўғд ҳудудида яшаган жамоалар жамият тараққиётининг қишлоқ жамоаси даражасида бўлган бўлса, илк темир даврига келиб (Сангиртепа, Ерқўрғон, Кўктепа, Афросиёб ёдгорликлари мисолида) Сўғд ҳудудида илк давлатчиликнинг воҳа типидаги шаҳар-давлатлар босқичлари таркиб топган.

## **2.4. Ўрта Осиё қўчманчилари тарихининг Юнон манбаларида ёритилиши.**

В.М. Массон Аҳамонийларгача бўлган Ўрта Осиёning сиёсий харитасини қуидагича тасаввур қиласи: «Бактрияда йирик сиёсий бирлашма (давлат) бўлган, унинг маданий ва сиёсий доираси Марғиёна, мумкинки, Арийлар ва Сўғдийларгача ёйилган. Иккинчи сиёсий куч қўчманчилар дунёсидир. Уларнинг ҳар хил конфедерацияси бўлган ва турли қўчманчи қабилаларни бирлаштириб турган. Мил. ав. VI аср ўрталарида гегемонлик ролини Массагетлар бажарган»<sup>79</sup>.

Кўчманчилар дунёсида илк синфий муносабатлар ва давлатчиликнинг ривожланиши тўғрисида фанда ҳар хил ғоялар кураши мавжуд. А.И. Першиц ва А.М. Хазановлар, "кўчманчилар ўз ҳолича фақат илк синфий муносабатлар даражасигача ўсиши мумкин. Кейинги ривожи

Раннежелезный век Южного Согда. (По материалам памятников Китабского и Яккабагского районов). Автореф. ... к.и.н. Самарканд, 1998.

<sup>78</sup> Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самаркандинского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). Ташкент, 2002.

<sup>79</sup> Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959 . - № 73.

фақат қўшни дехқон ва шаҳар жамоаси таъсирида ривожланади" деган бўлса<sup>80</sup>, Ю.В. Павленко "кўчманчилар дунёси ўз ҳолича, яъни цивилизациялашган қўшни жамоалардан ташқарида ривожланганда, уларга бўйсунган дехқон ва шаҳар жамоалари бўлмаганда, улардан солиқлар йиғилмаганда ва ниҳоят уларнинг бир гуруҳи ўтроқлашмаганда, ўтроқлашган ҳудудларда шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши жараёнлари кечмаганда кўчманчилар жамоаси ҳаттоки илк синфий муносабатлар даражасига ҳам чиқа олмаган бўларди", деб ҳисоблади<sup>81</sup>.

Бу фикрлар кўчманчи халқлар яратган моддий маданиятга эътиборсизлик ва уларнинг яшаш тарзини яхши англамаслик натижасида пайдо бўлган. Ишлаб чиқаришнинг асоси дехқон жамоаларида ер, шаҳарда хунармандчиллик бўлган бўлса, чорвадор-кўчманчи қабилаларда чорвачилик ҳисобланади. Албатта, чорва шахсий мулк ҳисобланади. Чорва молларини боқадиган яйловлар жамоа тараққиётининг илк босқичларида умумий бўлган. Лекин, чорва моллари сонининг ошиши натижасида яйловлар ҳам қабила ёки қабила иттифоқчилари ўртасида бўлина боради. Сув ҳавзалари молларни боқиш ва кўпайтириш учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Яйловларни, молларни, сув ҳавзаларини қўриқлаш учун эса қуролланган қўриқчилар ёки жангчилар тўдаси вужудга келади.

Кўчманчи жамоаларда кўпроқ иккита ижтимоий қатлам кузатилади. Булар катта чорвага эга бўлган ҳукмдорлар ва улар хизматида бўлган камбағал жамоалардир<sup>82</sup>. Марказий Осиё илк кўчманчиларининг оилавий муносабатлари ва ижтимоий табақаланиши масалалари «Авеста»да, антик давр тарихчилари, жумладан Геродот асарларида ўз аксини топган<sup>83</sup>.

<sup>80</sup> Першиц А.И. К вопросу о социальных отношениях у кочевников. Основные проблемы африканстики: Этнография. История. Филология. - М., Наука, 1973. - С. 3-23; Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. - М., Наука,, 1975. - С. 275.

<sup>81</sup> Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. Киев, 1989.

<sup>82</sup> Генинг В.Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скифов IV-III вв. до н.э. по археологическим данным. Ф. Энгельс и проблемы истории древних обществ. Киев, 1984. - С. 215-234.

<sup>83</sup> Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. ТД. Ноябрь 1975. Ленинград, 1975. - С. 84.

И.В. Пьянков маълумотларига кўра, антик давр тарихчилари Ўрта Осиё кўчманчиларини қуидагича тасаввур этган: Ўрта Осиёning ғарбида чўл ва дашт қисмларини "Массагет" ("Дербик") қабилалари ..., шарқида тоғ ва дашт қисмларида "Сак" қабилалари ..., Танаис (Сирдарё) бўйлари ва унинг нариёғида "Даи"лар истиқомат қилишган<sup>84</sup>.

Геродот: "Массагетлар оддий кишилар, Форс тўкин- сочинликларидан бехабар", деб ёзган бўлса, Арриан "... ўта қашшоқ ҳолда яшайди, камбағал ва ҳақпарвар кишилар, ягона ютуғи ёй ва ўқ, овқати гўшт ва сут, кийимлари теридан, ҳукмдорлари ҳам, оддий кишилари ҳам баравар, меҳмондўст, тинчликпарвар ва озоддир<sup>85</sup>, дейди.

Сак қабилалари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш маълумотлар бор. "Қишлоқ ва шаҳарлари йўқ. Аравада яшашади, факат чорвачилик билан шуғулланади". Ктесий эса Сакларнинг дехқончилик билан шуғулланиши ва оз бўлса-да, шаҳарлари борлиги хусусида ёзган<sup>86</sup>.

Ўрта Осиё кўчманчиларининг сиёсий ҳаёти тўғрисида қуидагича маълумотлар бор: ҳар бир кўчманчи қабилаларнинг бошида шоҳ ёки малика турди. Массагетларда малика Томирис; Сакларда малика Зарина, шоҳ Аморг, шаҳзода Спаретра (Мавак) ва бошқалар. Шоҳ ёки малика уруш вақтида қўмондонлик қилган, бошқа қабила шоҳларига тинчлик ёки иттифоқ тўғрисида элчилар юборган. Шоҳлик авлоддан авлодга ўтган. Ктесий маълумотларига кўра, Саклар ўлган шоҳларга катта қўрғон-кабрлар қурган. Қабрлар учбурчак шаклда бўлиб, уни баландга қараган. Томонлари 3, баландлиги 1 стадий. Бу пирамидалар олтин тақинчоқлар билан безатилган<sup>87</sup>.

Ўрта Осиё кўчманчилари сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган халқ йиғини тўғрисида ҳам И.В. Пьянков маълумотлар тўплаган. Халқ

<sup>84</sup> Пьянков И.Н. Кўрсатилган асар. 84-93 бетлар.

<sup>85</sup> Пьянков И.Н. Кўрсатилган асар. 84-93 бетлар.

<sup>86</sup> Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. ТД. Ноябрь 1975. Ленинград, 1975. - С. 85.

<sup>87</sup> Пьянков И.Н. Кўрсатилган асар. 87 бет.

Йиғинида барча қуролли жангчилар қатнашган. Йиғинда уруш ёки сулх масалалари ҳал қилинганды. Агар уруш тұғрисида битимга келинса, ҳамма жангга отланған. Ёзма қонунлар тұғрисида гапириш нотүгри бўлса-да, дербикларда енгил жиноятлар учун ҳам ўлим жазоси берилғанлиги тұғрисида маълумотлар бор<sup>88</sup>.

Үрта Осиёning күчманчи ахолиси ўртасидаги ижтимоий табақаланиш тұғрисида ҳам мушоҳада қилса бўлади. Маълумки, массагетларда отлик қўшин ва пиёда аскарлар бўлғанлиги тұғрисида маълумотлар бор. Пиёда аскарлар камбағал табақани англатса, жанговар кийимлари олтин тақинчоқлар билан безатилған, тўлиқ қурол-аслаҳага эга бўлған, отлари ҳам безатилған отлик аскарлар эса юқори табақани англатади. Манбаларда ҳукмдор сўзини билдирувчи "династи" термини ҳам учрайди. Династилар ўз қўшинини тузиши, жангга чиқиши ва шу йўл билан ўз ҳудудини кенгайтириши ва бойлигини ошириши мумкин бўлған. Шу маънода Сак ҳукмдорининг 30.000 бош моли бўлғанлиги тұғрисида манбалар бор<sup>89</sup>. Албатта, шунча молни қарам кишиларсиз ёки хизматкорларсиз боқиб бўлмайди.

Массагет, Сак ёки Даи қабилалари қолдирған моддий маданиятни ўрганиш ва шу асосда Үрта Осиё күчманчиларининг ижтимоий табақалари ва давлатчилиги борасида археолог олим Б.А. Литвинский изланишлари мавжуд. У Помир Сак қабилаларининг келиб чиқиши, ижтимоий катламлари тұғрисида маълумотлар тўплаган<sup>90</sup>.

Юқорида зикр этилган фикр ва мулоҳазалардан кўриниб турибиди, илк синфий муносабатлар ва умуман давлатчиликнинг пайдо бўлиши республикамиз ҳудудида бир текисда ривожланмаган. Қадимги Шарқ цивилизациялари билан доимий маданий ва иқтисодий алоқада бўлған

<sup>88</sup> Пьянков И.Н. Кўрсатилган асар. 89 бет.

<sup>89</sup> Пьянков И.Н. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. ТД. Ноябрь 1975. Ленинград, 1975. - С. 84-93.

<sup>90</sup> Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». - М., 1972.

Бақтрия ҳудудида аҳолининг ижтимоий табақаларга бўлиниш жараёни, илк синфий муносабатлар, илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши ёки "карликовый" давлатларнинг шакланиш жараёни сўнгги бронза даврида юз берганлиги археологик тадқиқотлар натижасида исботланмоқда. Бақтрия Аҳамонийлар империяси таркибига кириш арафасида катта сиёсий бирлашма сифатида Ўрта Осиё халқлари тарихида ўз ўрнига эга бўлган.

Хоразм давлатчилиги тарихи борасида тарихчилар ва археологлар ўртасидаги қизғин мунозараларни ечишнинг ҳозирги кунда имконияти анча оғир. Сўнгги бронза ва илк темир даврида Қуий Амударё ва Орол бўйларида тарқалган тозабоғёб, амиробод ёки қуйисой маданиятларида ривожланган жамият ёки давлатчилик белгилари бўлганлиги тўғрисида гапириш қийин<sup>91</sup>. Бу борада археологларнинг тарихчиларга қўшилиши учун амиробод ёки қуйисой маданиятларига оид янги шаҳар типидаги ёдгорликларни топиши ва ўрганиши лозим бўлади. Ҳозирги кунда Хоразм давлатчилиги борасида А.А. Асқаров олға суроётган ғоя заминида тарихий ҳақиқат бор кўринади, бунга қўшимча қилиб С.П. Толстовнинг "Хоразм подшоҳлиги халқларнинг ҳарбий демократик бирлашмасидан иборат бўлиб, доимо ҳудудини бошқа халқлар ерлари эвазига кенгайтириб борган"<sup>92</sup>, деган сўзларини келтириб ўтиш мумкин.

Қадимги Фарғона, Тошкент ҳудудларида илк давлатчилик масаласининг ўрганилиши бугунги кун талабларига ҳозирча жавоб бермайди. Сўғд ҳудудида бу масалани ўрганиш эндиғина бошланган бўлса, Тошкент минтақаларида бу масала тадқиқотчилар назарига тушмаган.

<sup>91</sup> Воробьев М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология. Этнография и археология Средней Азии. - М., 1979; Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амудары в 70-80 годах. Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. - М., 1991; Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности. Приаралье в древности и средневековье. - М., 1998.

<sup>92</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С. 341.

Илк давлатлар тарихи бўйича ёзма манбалар жуда кам. Юқорида таҳлил қилиб ўтганимиздек, уларни ўрганишда тадқиқотчилар талқини ҳам ҳар хил. Бу борада янги ёзма манба топилиши эса ҳақиқатдан жуда йироқ. Шу мақсадда Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлишида археология фани ютуқларидан фойдаланиш зарур. Археология фани ютуқлари асосида ишлаб чиқилган жамоаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини, меҳнат тақсимотининг пайдо бўлиши ва жамоаларнинг ижтимоий гуруҳларга бўлинишини, шу асосда синфларнинг пайдо бўлишини, шаҳар маданиятининг шаклланиши ва ниҳоят шаҳар-давлатлар ва унинг формаларини ўрганиш ушбу диссертация мақсади ҳисобланади. Қадимги Шарқнинг ажралмас бир бўлаги бўлган Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Қадимги Шарқдан алоҳида бўлганми ёки ўзаро алоқалар таъсирида рўй берганми? Шу каби масалалар билан шуғулланиш ҳозирги кунда ўзбек археологларининг бирламчи вазифасига айланмоқда ва бу масала ушбу диссертацияда баҳоли қудрат кўриб чиқилди.

## ХУЛОСА

Мавзунинг хулосаси хақида шуни такитлаш керакки Қадимги муаллифларнинг ҳикоялари асосан юришлар, жанглар ҳақида бўлиб, шаҳарлар ва қалъалар қамал қилинган жойлар билан боғланади. Шу жумладан ғорлар — Парнас, Паропамис, «номсиз тор Ўлкаси», дарёлар — Аракс, Окс, Политимет, Танаис — Яксарт; шаҳарлар — Бактра, Аорн, Драпсақ Мароқанда, Кирополис, Бранхийлар шаҳарчаси, Басилейа— «подшо шахри», вилоятлар — Наутака, Ксениппа, Габаза (Газаба), Паритака, Бубакена; қалъалар — Баги, Суғд қалъаси», Хориен — Сисимитр қалъаси; ўлкалар — Бақтрия, Суғдиёна, Скифия (сакмассагетлар юрти, Хоразм. Тарихшуное Арриан ва Курций Руфларнинг айтишича, милоддан аввалги 329 йилда Искандарнинг Сўғдга томон юриши қуйидаги йўналишда бўлган: Бактра — Окс — Бранхийлар шаҳарчаси — Наутака — Мароқанда — Кирополис — Яксарт. Бранхийлар шаҳарчаси - Кичик Осиёдаги Милет шахри атрофида худо Аполлонга бағишлиланган машҳур бир ибодатхона бўлган. Бу ибодатхонани Бранх авлодидан келиб чиққан қоҳинлар бино қилган. Бақтрия - Ўрта Осиё халқларининг моддий ҳамда маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган худуд. Унинг сарҳадлари ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларига тўғри келади. Бақтрия худудида илк синфий муносабатларнинг вужудга келиши ва давлатчилик тарихи бўйича XIX аср сўнггида европа тарихчилари ўртасида мунозаралар бошланган. В. Гейгер, Э. Райш<sup>2</sup>, Т. Нольдеке<sup>3</sup>, XX аср бошида Ж. Прашеклар<sup>4</sup> Бақтрия тарихи билан шуғулланиб, Аҳамонийлар империясига қадар ҳам қандайдир сиёсий бирлашмалар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар берган. Улар асосан қуйидаги антик давр тарихчиларининг ёзма манбаларига таянганлар. Ктесей Книдский "Бақтрия кучли ва қудратли мамлакат, VIII асрдаёқ мустақил давлат

бўлган" деб таърифлайди. Ктесей Книдскийнинг асарлари ўрта аср тарихчиси Фотийнинг асарида илова тариқасида бизгача етиб келган. Диодор ўз асарида Оссурия шохи Ниннинг Бақтрияга қарши жанг тафсилотларини ёзган. Асар бошида Ниннинг Семирамидага уйланиш тафсилотлари тасвирланган. Диодорнинг ёзишига қараганда Нин Бақтрияни мағлуб этиш оғирлигини, аҳолисининг қўп сонли эканлигини ва жангда моҳирлигини, қалъаларининг кўплигини билган. Шуша қарамай у қўп сонли қўшин йиғади ва биринчи жангда Бақтрия шохи Оксиартдан тоғ йўлдан текисликка чиқадиган жойда мағлубиятга учрайди. Нин Бақтрия билан бўладиган янги жангга тайёрланади. Геродот асарларидан ҳам Бақтрияниң Қадимги Шарқ халқлари орасида ўз ўрни бўлганлигини билиш мумкин. Жумладан, Кирнинг ҳарбий юришлари лозим бўлган мамлакатлар Вавилония ва Миср қаторида Бақтрия ва Саклар ҳам санаб ўтилади. Бақтрияликларнинг қурол-аслаҳалари ва ҳарбий қўшинидаги тартиб ҳам Геродот эътиборидан четда қолмаган. У бақтрияликлар яратган моддий маданият Ўрта Осиёда яшайдиган бошқа халқларга ўрнак бўлганлигини айтиб, арийлар, хорасмияликлар, сўғдийлар, гандарияликлар ва дадиклар қурол ясашда бақтрияликларга ўхшатиб ясаганлигини мисол қилиб кўрсатади. Яна бази малумотларнинг гувоҳлик берилича Диодор Бақтрия пойтахти Бақтр шаҳрини қуидагича таърифлайди, «... Бақтр йирик шаҳарлардан бири, у гўзал, эгаллаб бўлмас қалъа». Нин Бақтра шаҳрини узок вакт қамал қиласи. Шаҳар Семирамиданинг айёрги натижасида ишғол қилинади. Бақтрликлар мағлубиятга учрайди. Бақтрия шохи ўлдирилади. Нин Бақтрияниң олтин ва кумуш - бойликларини талайди. Бу воқеаларни Помпей Трог<sup>7</sup>, Арриан<sup>8</sup> ва Ксенофондлар<sup>9</sup> ҳам ўз асарларида ёритган. Аммо, воқеалар тафсилотларида, шохларни таърифлашда айрим чалкашликлар бор. Ксенофонт ўз асарида Бақтрия ва Оссурия ўртасидаги уруш Оссурия шохи Киаксар замонида бўлган деб ёзади. Тадқиқотчилар ўртасида Оссурия

билин Ўрта Осиё, хусусан Бақтрия оралиғидаги узок масофани ҳисобга олиб, юқоридаги маълумотларни тарих саҳифасидан чиқариб ташлаш керак, деган мунозаралар ҳам учрайди. Маълумки, бу масалага И.М. Дьяконов ойдинлик киритган. Унинг изланишлари туфайли топилган Оссурия айғоқчиларининг ўз шоҳига ёзган номасидаги қўйидаги маълумотдан сўнг антик давр тарихчилари маълумотлари ўз кучини сақлаб қолди: "... лекин мен лазуритни олиб кетганимдан сўнг, мамлакатда менга қарши қўзғолонлар бошланди, шундан сўш мен катта ҳарбий куч юборишни илтимос килдим"<sup>10</sup>. Маълумки, Яқин Шарқда Бақтрия лазуритлари юқори баҳоланган. Шу тариқа тарих фанига Қадимги Бақтрия шоҳлиги тўғрисидаги маълумотлар кириб келди. Ёзма манбаларда Бақтрияning жанубий чегаралари Парнас, Паропамис —Ҳиндиқуш тоглари билан боғланиб Қадимги дунё муаллифлари бақтрийлар жойлашган ерни жуда тор қилиб кўрсатганлар. Баъзиларининг Ҳинд дарёси бошланган Паропамис тоғларига рўпара бўлиб турган (Плинний). Страбон ҳам Эратосфеннинг маълумотларига асосланиб, «бақтрийларнинг асосий қисми Паропамис ёнбағрида жойлашиб, унинг бир кичик ери Ҳинди斯顿га рўпара бўлган»,— деган. И.В. Пьянковнинг фикрига кўра, Страбон ва Плиннийлар-Бақтрияning жанубий қисми ҳақида ёзганлар ва Ҳиндиқуш тизмасини улар жанубий чегара сифатида тўғри кўрсатиб берганлар. Аракс, Окс — Амударё Страбоннинг ҳабарига кўра, «бақтрийлар ерини Сугдиёнадан ажратади». Бошқа ёзма манбаларда ҳам Наутака ва Мароқандага юриш қилаётган Искандарнинг қўшинлари йўлида Окс дарёси Бақтрия ва Сугдиёна ўртасидаги чегара сифатида кўрсатилган. «Олдинги замонларда бактрийлар, сугдийларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари кўчманчиларнинг турмуш тарзидан кўп фарқ қилмаган, аммо бақтрийларнинг анъаналари анча юқори маданиятга эга бўлган; лекин улар ҳақидаги Онесикритшшг фикри мақтоврга сазовор бўлди. Унинг сўзларига кўра, карилик ва касалликдан ўлган одамларни улар маҳсус бокилган ва

маҳаллий тилларида «гўрковлар» деган ит олдига ташлаганлар. Бактрийлар пойтахти анча тоза бўлган, лекин давлат ҳудудининг катта бир қисми одамлар билан тўлдирилган; Искандар бу урф-одатни ман этди. Шунга ўхшаган хикояларни каспийлар ҳакида ҳам берадилар: улар 70 ёшдан ошган ўз отоналарини қамаб қўядилар ва оч қолдирадилар». Айтишларича, Искандар Бақтрия ва Суғдиёна шаҳарларига асос солган ва кўпларини вайрон қилган. Вайрон қилганлари жумласидан Бақтрия ўқрғони (бу ерда Каллисфен қўлга тушиб қамоққа олинган), Сугдийёнадаги Мароқанда ва Кира — Яксартдаги Кир томонидан қурилган охирги шаҳар; бу давлатнинг чеккаси бўлган. Хулоса тариқасида. Геродотнинг хабар беришича «Массагетлар от устида қилич ўйнатишни, ерда жанг қилишни маромига етказадилар. Камонбозлиқда уларга тенг келадиган халқ йўқ, қиличбозлиқда устаси фаранг. Бутун ашёлари олтин ва мисдан ясалган. Жанг қуроллари мисдан, бош кийимлари, тасмалари ва кийимлари олтиндан ясалган ёки олтин билан безатилган. Отларини ҳам қалқон билан ҳимоя қиласидар, қалқонлари мисдан ясалган ва жабдуғлари олтин билан безатилган. Уларнинг юртида темир ва кумуш учрамаслиги сабабли, Массагетлар темир ва кумушни ишлатишмайди, олтин билан мисга жуда бой. Одамлари оддий» (Геродот, 1972). Арриан эса «Массагетлар камбагал ва ҳакпарвар кишилар, ягона ютуғи камон ва ўқ, овқати гўшт ва сут, кийимлари теридан, ҳукмдорлари ҳам, оддий кишилари ҳам баравар, меҳмондўст, тинчликпарвар ва озоддир», - деб ёзади (Арриан, 1962). Массагетларнинг яшаш тарзи тўғрисида юнонистонлик тарихчилар куйидаги маълумотларни қолдиришган: «Улар Скифлар сингари кўчманчи ҳаёт кечирадилар. Массагетларнинг шаҳарлари, ҳаттоқи доимий яшайдиган уйлари ҳам йўқ. Тўрт ғилдиракли аравани уй сифатида биладилар. Чорвачилик асосий машғулотлари ҳисобланади» (Пьянков, 1998). Сак кабилалари тўғрисида ҳам шунча ўхшаш маълумотлар бор. «қишлоқ ва шаҳарлари йўқ. Аравада яшашади, фақат чорвачилик билан шуғулланади». Ктесей эса Сакларнинг дехқончилик билан шуғулланиши ва оз бўлсада шаҳарлари борлиги

хусусида ёзган. Күчманчилар конфедерациясини қабила бошлиқлари - хукмдор, шохлар бошқарған. Бунга мисол қилиб Массагетларда Тұмарисни, Сакларда Зарина, шох Омарг, шох Спаретраларни құрсатиши мүмкін. Шох үз халқининг йүлбошчиси, хукмдори ҳисобланған. Уруш вақтида жантга раҳбарлық қылған.

## **АДАБИЁТЛАР:**

1. «Авесто» Видевдат, I,4.
2. Adams R.Mc. History patterns of Mesopotamian irrigation agriculture. // Irrigation's impact on Society. - Tucson, 1974.
3. Avanesova N, Šajdullaev Š, Ěrkulov A. Dzam - ein neuer bronzezeitlicher Fundort in der Sogdiana. AMIT. Band 33. Berlin, 2001.
4. Geiger W. Civilization of the Eastern Iranians in Ancient Times. – London, 1985. V. 45.
5. Geiger W. Ostiranische Kultur im Altertum. Erlangen, 1982.V. 66;
6. Gershevitch I. The Avestan Hymn to Mithra. Cambridge, 1959, P.298-299.
7. Henning W.B. Zoroaster: Politican or Witch-doctor? Leiden, 1951, D.43.
8. Jacobsen Th. Early Political Development in Mesopotamia. ZA, NF, 18, 1957, P.104.
9. Markwart J. Wehrot und Arang. Leiden, 1938, D.10-12;
10. Nildeke T. Iranisches Nationalepos, Grundriss der Iranische Philologie, II. 1896-1904.V.141.
11. Prasek J.D. Geschichte der Meder und Perser. Bd. I. - Gotha, 1906. V. 50-54
12. Reisch E. Baktrionoi / Pauly's Real-Encyclopödie. T. II. 1896.
13. Wittfogel K. Oriental despotism // A Comparative Study of Total Power. - New Haven, 1957.
14. Андрианов Б.В. Роль ирригации в становлении древних государств (На примере Средней Азии). // От доклассовых обществ к раннеклассовым. - М.: Наука, 1987. - С. 93.
15. **Ариан. Anab. VI, 24.**
16. Ариан. Поход Александра. (Пер. М.Е. Сергеенко). М.-Л., 1962; Руф Квинт Курций. История Александра Македонского. (Под. ред. В.С. Соколова, М., 1963).

17. Аскаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишиланган халқаро илмий анжуман материаллари. - Тошкент, 2004. – Б. 76-84.
18. Бартольд В.В. Иран. Ташкент, 1926. - С. 17.
19. Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Аму Дарьи с древнейших времен до XVII века. ИТОРГО, т. IV. Вып. II. Ташкент, 1902. - С. 6-7.
20. Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамишской дельты Амудары в 70-80 годах. Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма. - М., 1991;
21. Вайнберг Б.И. Памятники Куюсайской культуры. // Кочевники на границах Хорезма. ТХАЭЭ. Т. IX. - М., 1979;
22. Вайнберг Б.И. Памятники скотоводческих племен в левобережном Хорезме // Археология СССР. Степи Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. - М., 1992. - С. 117.
23. Вайнберг Б.И. Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство древнего Хорезма. - М., 1981. - С. 128;
24. Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. - М., 1979. - С. 38-42.
25. Генинг В.Ф. Проблема социальной структуры общества кочевых скифов IV-III вв. до н.э. по археологическим данным. Ф. Энгельс и проблемы истории древних обществ. Киев, 1984. - С. 215-234.
26. Геродот. История в девяти книгах. VII, 64. (пер. Г.А. Страновского). - Л., 1972.
27. Гинзбург В.В. Материалы к антропологии гуннов и саков // СЭ. 1946. - № 4. - С. 210;

28. Гуляев В.И., Гусаков М.Г. Всесоюзная научная конференция «Причины перехода от классовых к раннеклассовым обществам». Москва, 1984 // СА. 1986. - № 1.
29. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. - Ташкент, Фан, 1957;
30. Гулямов Я.Г., Исламов У.И., Аскаров А.А. Первобытная культура в низовьях Зарафшана. Ташкент, 1966;
31. Диодор. Историческая библиотека. Кн. 17. II , 2-7 / пер. М.Е. Сергеенко / Арриан. Поход Александра. М. - Л., 1962.
32. Дуке Х.И. Чиракчинское поселение. ИМКУ. Вып.17, Ташкент, «ФАН», 1982. - С. 19-29;
33. Дьяконов И.М. Ассирио-аввилонские источники по истории Урарту //. ВДИ. - М., - М., 1951. - . - № 2. - С. 335-336.
34. Дьяконов И.М. Истории Мидии. - М., Л., 1956.
35. Дьяконов М.М. Очерк истории Древнего Ирана. - М., 1961. - С. 64.
36. Исаков А.И. Саразм. Душанбе, 1991.
37. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарканского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннежелезного века и в период античности). Ташкент, 2002.
38. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья. // ТХАЭЭ. Т. X. - М., 1977;
39. Итина М.А. Охранные археологические работы в Хорезме: итоги и перспективы // СЭ. - №1. - С. 53.
40. Итина М.А. Хорезмская экспедиция - основные итоги и перспективы исследований. // Культура и искусство древнего Хорезма. - М., 1981. - С. 9.
41. Ксенофонт. Сур. I, 5, 2.
42. Кузьмина Е.Е. Дискуссионные проблемы отечественной скифологии // Народы Азии и Африки. - М., 1980. № 6. – С. ;

43. Кузьмина Е.Е. Классификация и периодизация памятников андроновской культурной общности. // Бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып.9. - М., 1985. - С. 43.
44. Кузьмина Е.Е. Могильник Замон-баба. // СЭ, 1958 . - № 2. - С. 31;
45. Лившиц В.А. Древнейшие государственные образования. // ИТН. – Душанбе, 1963. - С. 152-153.
46. Литвинский Б.А. Древние кочевники «крыша мира». - М., 1972.
47. Лушпенко О.Н. Раннекелезный век Южного Согда. (По материалам памятников Китабского и Яккабагского районов). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Самарканد, 1998.
48. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА, 1959 . - № 73.
49. Массон В.М. Еще раз о геродотовой реке Акес. // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. - М., 1967. - С. 175.
50. Муҳаммаджонов А.Р. Қуи Зарафшон водийсининг сугорилиш тарихи. Тошкент, Фан, 1972.
51. Павленко Ю.В. Раннеклассовые общества. Генезис и пути развития. Киев, 1989.
52. Першиц А.И. К вопросу о социальных отношениях у кочевников. Основные проблемы африкастики: Этнография. История. Филология. - М., Наука, 1973. - С. 3-23;
53. Помпей Трог. ap. lust., I, 1,2.
54. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ. - М., 1996 №3. - С. 3-23.
55. Пьянков И.В. Общественный строй ранних кочевников Средней Азии по данным античных авторов. Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. ТД. Ноябрь 1975. Ленинград, 1975. - С. 84.

56. Пьянков И.В. Сведения Ктесия о владениях Бардии на востоке Ирана // ВДИ. - М., 1961 №4. - С. 100.
57. Раимкулов А. А, Исамидинов М. Х. Турткултепа - новый памятник эпохи финальной бронзы в Южном Согде. Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, «ФАН», 1990. - С. 30-37.
58. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности. Приаралье в древности и средневековье. - М., 1998.
59. Ртвеладзе Э.В. Ксениппа-Паретака / Кавказ и Средняя Азия в древности и средневековье. - Л., 1981; Сулейманов Р.Х. Древности Нахшаба. Ташкент, «Фан» 2000.
60. Сагдуллаев А.С. Оседлые области на юге Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально экономическая динамика). Автореф. дис. ... док. ист. наук. - М., 1989;
61. Сагдуллаев А.С. Проблемы инноваций в Среднеазиатских комплексах эпохи раннего железа. // Преемственность и инновация в развитии древних культур. - Л., 1981. - С. 111-112.
62. Струве В.В. Древний Иран и Средняя Азия / Всемирная история. Т. 1. - М., 1955. - С. 590.
63. Сулейманов Р.Х. Древности Нахшаба. Ташкент, «Фан» 2000.
64. Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С. 341.
65. Хазанов А.М. Материнский род у Сарматов. ВДИ. - М., 1970, №2. - С. 147-148;
66. Хазанов А.М. Социальная история скифов: Основные проблемы развития древних кочевников евразийских степей. - М., Наука,, 1975. - С. 275.
67. Хлыбыстина М.Д. Вопросы изучения структуры Андроновских общин «алакульского типа»// СА. - М., 1975 №4. - С. 26-34;
68. Хлопин И.Н. Историческая география южных областей Средней Азии. - Ашхабад, 1983.

69. Ходжаев Т.К. Динамика ареалов антропологических типов на территории Средней Азии (неолит - нач. XX в.) // СЭ. – М., 1983 - № 3. - С. 101.
70. Черников С.С. Роль Андроновской культуры в истории Средней Азии и Казахстана. // КСИА, 1957, XXXVI.
71. Шайдуллаев Ш.Б. К вопросу о локализации Паретака, Бубакена и Габаза. Формирование и развитие трасс ВШП в Центральной Азии в древности и средневековье. Тез. докл. международного семинара ЮНЕСКО. Ташкент, «Фан», 1990.
72. Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). - М., 1996